Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 233 (6. 424) ◉ 1987 йил 14 октябрь, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

1917 1987

17 октябрь— коммунистик шанбалик куни

Меҳнат байрами шарафига

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги олдидан 17 октябрда ўтказиладиган коммунистик шанбалик куни «Минконд» заводининг кўплаб ишчилари 1,5—2 норма бажаришга аҳд қилишди. Шу кунн 8-цех ишчиси Анатолий Храпов, коммунистик меҳнат зарбдорларидан Галина Назарова, Екатерина Михайлова ва бошқалар кунлик нормаларини икки ҳиссадан оширнб бажаришни ният қилганлар.

Улуғ Октябрь 70 йиллиги шарафига корхонада 200 га яқин илғор ишчилар беш йилликнинг икки йили планнни бажариш шарфи остида астойдил меҳнат қилмоқда.

Штабнинг иш кунлари

Завод коммунистик шанбалик штабн доимо гавжум. Планёркаларда цехларнинг бошлиқлари, партия ташкилотларининг секретарлари, касаба союз комитетининг раислари, комсомол етакчилари, шунингдек етакчи мутахассислар корхонада Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига шанбаликни уюшқоқлик билан ўтказиш режаларини муҳокама қилмоқдалар. Шу кунн ҳар қачонгидан кўра интизом ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатишга аҳд қилган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ташаббуси барча цех ва участкаларга ёйилмоқда.

Унлаб ишчилар шу кунн план-топшириқларини 120 процентдан ошириб бажариш мажбуриятини олдилар. Айни пайтда йиллик планни шонли юбилейгача адо этиш учун ўзаро мусобақа кенг тус олди.

Кўмакдошлар даъвати

Корхонамизнинг 500 нафар ишчи-хизматчиси 17 октябрь — коммунистик шанбалик кунини пахтазорларда зарбдорона меҳнат билан нишонлашга қарор бердилар, — дейди завод партия комитетининг секретари Ш. У. Сандов. — Улар Сирдарё область Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхозида чўлқуварларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Шунингдек, Тошкент область Бўка районидаги «Кремль» совхозининг 6-бўлимида 130 нафар ишчи-хизматчи «Урок ва Болға» анъаналарига мувофиқ пахтакорларга мададкор бўлмоқдалар. Совхоздан олинган маълумотларга қараганда ишчи-хизматчилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан руҳланиб, терим суръатини оширишяпти. Чақириқларга жавобан улар шанбалик кунн теримда энг юқори унумдорликка эришишга аҳд қилганлар.

Ҳашаматли уй

«Ивановолик тўқимачилар» массивида яна бир 9 қаватли 108 квартирали турар жой биноси фойдаланишга топшириб қўйилди.

Бунёдкорлик ишларини 3-уйсозлик комбинатига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг Д. Хабитов етакчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари олиб боришди.

3-пардоз ишлари бошқармасининг Р. Набиев, Ҳ. Зайногитдинова етакчилик қилаётган коллективлари бинога гўзаллик бахш этишди.

Бинонинг ташқи пардоз ишлари 3-уйсозлик комбинатида тайёрланган бўлиб, микрорайон ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ПАРТИЯ ГРУППАСИДА

9 октябрь куни сессия бошланиши олдидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети партия группасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда коммунист, депутат, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Капитал қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи В. Е. Закнинг ҳисоботи тингланди.

Ҳисоботни муҳокама қилишда депутатлар — 1-шаҳар клиник касалхонасининг бош врачи Қ. Т. Ризаев, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Г. С. Бакиновский иштирок этдилар.

Қабул қилинган қарорда коммунист депутат В. Е. Закнинг Тошкент шаҳар Совети сессияларида депутатлардан тушган сўровларни амалга ошириш борасидаги иши қониқарсизлиги қайд этилди. Унга ўз депутатлик фаолиятини активлаштириш, чунончи Октябрь районидаги Новоўзбекистанская кўчасида қурилаётган туғруқхона ва «ТТЗ—4» массивидаги уй-жойлардан фойдаланиш идораси биносини шу йил охиригача фойдаланишга топшириш таъминлаш юзасидан зудлик билан чоралар кўриш тавсия қилинди.

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси муҳокамасига қўйилаётган масалалар кўриб чиқилди.

Тошкент Совети партия группасининг 1988 йил учун иш плани тасдиқланди.

Шунингдек, декабрь ойида партия группасининг навбатдаги йиғилишида «Халқ депутатлари шаҳар Советининг ишида демократлаштиришни янада ривожлантириш, ошкораликни кенгайтириш юзасидан коммунист депутатларнинг вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишга қарор қилинди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари депутат В. Ф. Манастиретская докладчи этиб тасдиқланди.

Партия группаси йиғилишини Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин олиб борди.

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси

АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Илгари хабар қилинганидек, 9 октябрда Тошкент область партия комитетининг катта маҳлислар залида йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Совети сессиясини унинг раиси, К. Е. Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводининг токари депутат Ю. И. Степаненко очди.

Сессиянинг кун тартиби тасдиқланди:

1. СССР Олий Совети Президиумининг «Социалистик мулкни сақлашни таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида Тошкент шаҳар халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида.

2. Аҳолининг хатлари, шикоятлари ва хатлари билан ишлашнинг ҳамда граждanларни қабул қилишни ташкил этишнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш юзасидан белгиланаётган тадбирлар тўғрисида.

3. Йигирманчи чақириқ Тошкент шаҳар Совети депутатларига сайловчилардан тушган наказларни амалга оширишга доир тадбирлар плани тўғрисида.

4. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иш тартиби тўғрисида.

5. Ташкилий масалалар.

Докладларнинг тезислари «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг 20 сентябрь сонида эълон қилинган эди. Тезислар газеталарнинг саҳифаларида қизғин муҳокама қилинди. Бундан ташқари 5 октябрь куни мазкур газеталарнинг жамоатчилик редакциясида шаҳарликларнинг телефон орқали берган саволларига шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсандов, раис ўринбосарлари М. М. Алиев, Ҳ. Е. Охунжонов, Л. А. Костин, В. А. Котов, К. Н. Тўлаганов, ижроия комитет секретари В. Ф. Манастиретская жавоб бердилар. 8 октябрь куни телевидение орқали томошабинларнинг саволларига шаҳар Совети ижроия комитетининг ҳамда унинг бўлимлари ҳамда хизматларининг раҳбарлари жавоб бердилар. Умуман мазкур сессияга тайёргарлик даврида ижроком раҳбарлари шаҳарликларнинг 200 дан знёд саволига жавоб бердилар.

Бу ҳисобга олиниб, мазкур сессияда доклад қилинмади, тўғридан тўғри ижроия комитет тезисларининг муҳокамаси бошланди. Унда шаҳар Совети депутатлари — ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва техникавий хизмат кўрсатиш тажриба заводи электромеханиги Ю. Н. Попов, Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси О. Ж. Исмоилова, техника контроли бюроси бошлиғи Н. В. Ефимова, «Компрессор» заводи слесари К. К. Муҳитдинов, Тошкент товар станцияси контейнер майдончасининг мудири Н. Г. Ковалёва, Тошкент область касаба союзлари Советининг секретари Д. М. Ғуломова, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи В. Ф. Клапушевский, чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори С. К. Сандкаримов, темир йўл олди почтамти оператори Т. Н. Меказова, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош врачи Т. М. Миртожиев иштирок этдилар.

Депутатларнинг саволларига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсандов жавоб берди.

Сайловчилар наказларининг бажарилишига доир тадбирлар тўғрисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, шаҳар план комиссиясининг раиси В. А. Котов ахборот берди.

Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Совет бошқа ишга ўтиши муносабати билан С. М. Ракитинани Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди.

Совет:

— 1951 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1975 йилда Ставрополь давлат медицина институтини даволовчи врач ихтисослиги бўйича битирган Владимир Павлович Русиновни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб;

— 1941 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1965 йилда Тошкент фармацевтика институтини провизор ихтисослиги бўйича битирган Алихон Зиёвитдинович Мўминовни Тошкент дорихоналар бошқармасининг бошлиғи этиб;

— 1938 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1961 йили Тошкент молия-иқтисод институтини иқтисодчи ихтисослиги бўйича битирган Светлана Васильевна Шаповаловани СССР Давлат меҳнат омонат кассалари Тошкент шаҳар бошқармасининг бошлиғи этиб;

— 1939 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1961 йилда Тошкент алоқа электротехника институтини электр алоқа инженери ихтисослиги бўйича битирган Абдулла Ҳусанович Алимбоевни Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошлиғи этиб;

— 1944 йилда туғилган, украин, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1968 йилда Жданов металлургия институтини инженер-механик ихтисослиги бўйича битирган Тарас Фёдорович Крушельницкийни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг уй-жой бошқармаси бошлиғи этиб;

— 1936 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1960 йилда Тошкент Давлат педагогика институтини ўқитувчи ихтисослиги бўйича битирган Қиём Ҳўжаевич Дониёровни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кинофикрлаштириш бошқармаси бошлиғи этиб;

— 1936 йилда туғилган, украин, КПСС аъзоси, 1961 йилда Тошкент молия-иқтисод институтини саноат иқтисодчиси ихтисослиги бўйича битирган Нина Тихоновна Кириловани Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг нарх бўлими мудири этиб;

— 1936 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, 1959 йилда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтини ўқитувчи ихтисослиги бўйича битирган Туроб Жўрабоевич Шермуҳамедовни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ташқи алоқалар бўлими мудири этиб;

— 1929 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, ўрта техник маълумотли, 1947 йилда Рошаль химия-технология техникумини техник-технолог ихтисослиги бўйича битирган Николай Павлович Никульцевни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг иккинчи бўлими бошлиғи этиб;

— 1951 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1982 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини инженер-иқтисодчи ихтисослиги бўйича битирган Сергей Маликович Қосимовни «Таштеплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори этиб;

— 1952 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1974 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини иқтисодчи-математик ихтисослиги бўйича битирган Муҳаммадумар Каримович Муҳаммадалиевни «Ташплодоовощпром» бирлашмаси бош директори этиб;

— 1939 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1963 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини инженер-технолог ихтисослиги бўйича битирган Ҳожиакбар Тошхўжаевни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг халқ истеъмол товарлари бўйича коллектив фойдаланишдаги ндораларо координациялаш маркази бошлиғи этиб тасдиқлади.

Совет йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг учинчи сессиясини ўтказиш тўғрисидаги таклифни тасдиқлади. Сессия 1987 йил декабрида бўлиб ўтади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Тошкент шаҳрини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш 1988 йил плани тўғрисида ва Тошкент шаҳрини комплекс иқтисодий ривожлантириш 1987 йил плани бажарилишининг бориши тўғрисида.

2. Тошкент шаҳрининг 1988 йил учун бюджети тўғрисида ва Тошкент шаҳрининг 1986 йилги бюджети ижроси тўғрисида.

Тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев кеча Ленинграддан Москвага қайтиб келди. Бугун газеталарда ўртоқ М. С. Горбачевнинг партия, уруш ветеранлари билан, Ленинград меҳнаткашлари ва шаҳар партия ташкилоти актив билан учрашувлари ҳақида ҳисоботлар эълон қилинган.

● КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Бутуниттифоқ Курган «Тикловчи травматология ва ортопедия» илмий марказини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда берилган.

ХУШХАБАР

Редакцияда телефон жирингладн.

— Алло, бу редакциями?

— Ҳа, эшитамиз.

— Сизга Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районида истиқомат қилувчи, уруш ва меҳнат ветерани, 65 йилдан бери КПСС аъзоси Ефим Александрович Перлин хабар бермоқчи.

— Марҳамат.


— Мен бугун Собир Раҳимов районидаги давлат банкига 500 сўм пул ўтказдим. Жамғармаларимни Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллигига ва 17 октябрь куни ўтказиладиган коммунистик шанбаликка атадим. Бу менинг шу йил учинчи марта пул ўтказишим.

Ветеран илгари чернобилликларга, Грузиядаги табиий офатдан зарар кўрган аҳоли ҳисобига бир минг сўмдан ўтказган экан.

— Хабарни ким қабул қилди? Билсам бўладими?

— Марҳамат. Навбатчи Усмон Муҳамедов ёзиб олди.

Замондошимиз



Ишчилар оиласи

Прессловчи-оператор Владимир Иванович Дробнов ҳақиқий фидойи, жонкуяр ишчилардан бири. Унинг қўлидан не-не деталлар ўтмаган дейсиз. У буларнинг саноғига ҳам етолмайди. Ахир бир ойда пландаги йиғирма минг ўрнига 25—30 минг деталь тайёрлагандан кейин буннинг саноғига етиб бўлармиди!

Мана ўн беш йилдан ошдики, Владимир Иванович подшипниклар ремонти заводида меҳнат қилиб келади. Коммунистик меҳнат зарбдори, корхонанинг энг яхши ишчиси қисобланади. Ҳозир бу оператор-прессловчининг олдига тушадиган кнш йўқ десак муболаға бўлмайди. Чунки корхонада уни танимайдиган кишн йўқ. Ёшлар ҳам жуда ҳурмат қилишади. Бунинг бонси бор, албатта. У не-не ёшларга касб ўргатмаган дейсиз. Кўпгина ёшлар ҳозирги пайтда илғор ишчилар бўлиб етишишган бўлса-да Владимир Ивановични эъзозлашади. Чунки унинг қўлида ҳунар ўрганишган.

В. Дробновнинг рафиқаси Галина ҳам илғор ишчилардан бирндир. Корхонада уларнинг ўз муносиб ўрни бор. Фақат ишлаб чиқаришдагина эмас, коллективнинг жамоат ишларида ҳам жонкуярлик кўрсатишади. В. Дробнов ролик-сепарат цехининг халқ контроли группаси аъзосидир.

Корхонада қишлоқ хўжалик машиналари — тракторлар, автомашиналар, комбайнлар ва бошқа техника воситаларн учун подшипникларнинг роликларини кўплаб ишлаб чиқаришда, уларнинг сифатини оширишда бу ишчиларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига муносиб меҳнат армуғонн тайёрлашяпти.

Владимир Ивановичнинг ўз меҳнатидан мамнунлиги унинг ўз касбига меҳридан, чексиз расидан табассум арнмаслигидан яққол кўрниб турибди.

• СУРАТДА: В. И. Дробнов.

М. Нурмдинов фотоси.

2.000.000 тонна «оқ олтин» тайёр!



«Тошкент оқшоми» мухбирлари оталиқдаги Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар берадилар.

«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 13 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён

Хоразм	1,53	60,97
Бухоро	2,75	47,67
ҚҚАССР	1,74	46,02
Сурхондарё	1,01	44,13
Фарғона	1,91	33,49
Қашқадарё	1,34	31,79
Тошкент	3,38	28,59
Андижон	0,75	25,57
Наманган	1,06	24,62
Жиззах	1,52	24,57
Навоий	1,71	24,44
Сирдарё	1,49	24,02
Самарқанд	1,08	22,70
Республика бўйича:	1,60	33,96

БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ

Жону дил пайванд

Бугунги кунда республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон зоти ким бўлишидан қатъий назар, далаларда шиддат билан давом этаётган пахта йиғим-теримига ўзининг муносиб улушини қўшмоғи лозим. Бу сўзлар баландпарвозликдан эмас, балки элу юрт иши учун камарбаста бўлиб чиққанларнинг дилидаги бор гаплардир.

Рассомлар, санъаткорлар, шоиру ёзувчилар пахтакорга нима билан ёрдам беришлари мумкин? Санъаткор қўлида тори билан туш пайти тушликка ўтирган фидокорларга кўнглидан чиқариб бир жуфт яхши қўшиқ айтса уларнинг қулфи дили очилади. Ўша қўшиқ кайфияти билан пахта териб, оқшом чўккасининг ҳам сезмай қолади. Шоир шеъри билан, ёзувчи ўзининг ўткир публицистик сўзи билан ҳар тамонлама вазнятни таҳлил қилиб, кишиларга пахта йиғим-терим мавсумининг ижтимоий моҳиятини эслатиб турмоғи лозим. Бу ўзига хос улуш ҳисобланади.

Хўш, пахтакорга ёрдам бериш тариқасида рассом нима иш қилади? Мен қўлимга мўйқалам олиб, сурат чизa бошлаган пайтдан бери далалардаги жонкуярларни, уларнинг меҳнатини турфа рангларда чизишга, ўй-кечинмаларини замондошларга тақдим этиш борасида ўйлайман. Пахтакорлар сулоласига бағишланган қатор туркум ишларим айнан ана шу ўйларнинг маҳсулидир. Ўзим республикамиз жанубида туғилганман. Пахтакорлар меҳнатининг нақадар оғирлиги, улар чекаётган заҳматнинг табарруклигини яхши биламан. Шунинг учун Ленинград шаҳрида ўқиб юрган кезларимда ҳам бир зум бўлсада, ястаниб ётган далалар, пахтазорлар кўз олдимдан нари кетмаган. Шунинг учун яқиндагина бу шаҳарда намойиш этилган ҳисобот кўргазмамда ҳам пахтакорларга бағишланган қатор ишларим кўпчиликнинг эътиборига тушди.

Ҳозирги кунда ҳам тупроқдай хокисор пахтакорларнинг самимий образларини яратиш борасида ишлаяпман. Қатор портретлар, манзара-суратлар элимиз меҳнати, улар амалга ошираётган хайрли ишларга бағишланади.

Пахтакорга бугунги кунда илиқ сўз, дилрабо қўшиқ, ҳеч қандай баландпарвоз сўзларсиз битилган самимий шеърлар, қолаверса қилаётган меҳнатига яраша қўнгилдагидек иш ҳақи керак. Биз бу нарсаларни унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Зеро, пахтакор ҳам ўз меҳнатидан яхши манфаатдор бўлса, иш ҳам яхши бўлади. Кўзланган марра ҳам эгалланади.

Рўзи ЧОРИЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ рассоми.



АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗ – ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Депутатлар таклиф этадилар, маслаҳат берадилар, танқид қиладилар

Тошкент ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш ва техникавий қарови тажриба заводи электр механиги
О. Н. ПОПОВ
нутқидан

СССР Олий Совети Президиумининг «Социалистик мулкни сақлашни таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисида»ги қарори биз, завод ходимларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Бизда «ташмачилар» деб аталмиш кимсалар йўқ. Аммо эҳтиёт қисмларни бригадаларга тақсимлашда камчиликлар мавжуд. Собиқ цех бошлиғи шундай камчиликларга йўл қўйган эди. Бу эса пировард натижада ҳисоблаш техникаси ремонтида нуқсонларга олиб келди. Ҳозир бунга барҳам берилди, цех бошлиғи алмаштирилди.

Шу муносабат билан ҳар бир кишининг ўз жойида хизмат бурчини ado этишга виждонан муносабатда бўлиши тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Масалан, Акмал Икромов районидаги 4-магазинда сотиб олинган батон ичидан болт чиққанини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳамма ва ҳар бир киши топширилган ишга ўз муносабатини қайта кўриб чиқиши, бу ишни одамлар олдидаги масъулиятни тўла англаб бажарадиган бўлиши зарур.

Сайловчилар билан учрашув вақтида кўпинча улардан турар жойлардаги иссиқ ва совуқ сув беҳуда оқаётганлиги, уйларни ремонт қилиш пайсалга солинаётганлиги тўғрисида ҳақли таъналарни эшитиб турибмиз. Чунончи, Г—9 кварталидаги 9-уйда рўй берган авария вазиятини тугатиш учун уй-жой ташкилотлари 10 кун вақт сарфладилар (ЖПЭТ бошқарувчисининг ўринбосари Ўртоқ Расулов).

Шу билан бирга шаҳар Совети ижроия комитетининг раҳбарларига мурожаат этиб, районимиздаги 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери фойдаланиб келинаётган уй-жой биноларини тезроқ капитал ремонт қилишда ёрдам беришларини сўраймиз.

Чилонзор район ижроия комитетининг раиси
О. Ж. ИСМОИЛОВ
нутқидан

Биз гражданларнинг хатлари ва аризалари билан ишлашни ижроком фаолиятидаги асосий кўрсаткич деб биламиз. Аммо, шундай бўлса ҳам биз бу жуда муҳим соҳадаги камчиликларни тўла-тўкис бартараф эта олганимиз йўқ, бунинг учун бизни тўғри танқид қилмоқдалар. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига юзаки, бепарво муносабатда бўлиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди. «Правда» газетасининг 23 сентябрь сонидаги «20 йиллик... ёзишма» мақоласи бунга яққол мисол бўла олади. Ижроком бу мақолани ўз мажлисида, ижроком аппаратининг партия йиғилишида муҳокама қилди ва ўртоқ Агишеванинг шикоятини кўриб чиқишдаги саналорлик ва бюрократизм учун айбдор бўлган кишиларга принципиал баҳо берди.

Районда уй-жой фондини капитал ва жорий ремонт қилиш ҳали ҳам дардисар муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу муаммони шу беш йиллик охиригача ҳал қилиш учун тахминан 10 миллион сўм сарфлаб 170 та уйни тартибга келтириш керак. Бу йил эса биз атиги 5 та уйни ремонт қилишга муваффақ бўлдик. Бошқача қилиб айтганда, уй-жой фонди қайта тикланаётганидан кўра тезроқ эскириб бормоқда. Шаҳар Советининг ижроия комитети бу масалани шаҳарнинг барча районлари бўйича кўриб чиқиб, уни ҳал этиш йўлларини топиши зарур. Корхона ва ташкилотлар қайси идорага қарашли эканидан қатъий назар, уларни мазкур муаммони ҳал этишга жалб қилиш тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз. Бошқа шаҳарларда шундай тажриба бор.

Техника контроли бўлими бюросининг бошлиғи
Н. В. ЕФИМОВА
нутқидан

Айрим раҳбарларнинг хўжасизлиги ва ўз хизмат бурчига юзаки қарашини кўрсатувчи бир неча фактларни айтиб бермоқчиман, сайловчилар ўз депутатлари билан учрашув пайтида бу ҳақда тез-тез гапириб турадилар.

Чунончи, санитария-техника асбоб-ускуналари ўз вақтида ремонт қилинмаслиги оқибатида Чилонзор массивининг 7-квартал, 18-г» уйидаги ўртоқ Хомич квартирасида икки йилдан бери чакка ўтади, чакка ўтаётган жойга тоғора ва бошқа идишлар қўйишга тўғри келади. Уй-жойлардан фойдаланиш участкаси слесарлари эса бу квартирадаги батареяни бузиб кетганлар. Шу квартал даги 38-уй аҳолиси эса доимо ёнғин чиқиш эҳтимолидан чўчиб яшайди. Тақсимлаш электр шчитларида шу пайтгача «уч марта» ёнғин чиқди. Хўш, бу камчиликлар учун масъул бўлган шахслардан нега ҳеч ким жавоб талаб қилмайди?

Хўжасизликни кўрсатувчи яна бир мисол: 2-ремонт-қурилиш бошқармасида бирор иш қилинадиган бўлса, бузилган асфальт, кўмиб ташланган ариқларни қолдириш одат тусига кирган. Тўғри, район Советининг сессиясидаги танқиддан кейин асфальт йўлни қайта тиклаб беришди, ирригация тармоғи эса бузуқлигича қолаберди.

Халқ контролерларининг кучи билан районимизда уй-жой фондининг қишга тайёргарлиги текшириб чиқилди. 3-уй-жойлардан фойдаланиш участкасига 200 та мулоҳаза топширилган эди, шундан атиги 75 таси ҳусусида чора кўрилган. Аҳолининг эҳтиёжларига эътиборсизлик билан қараётган уй-жой ташкилотлари раҳбарларининг фаолиятини қандай баҳоласа бўлади?

Шу билан бирга, менинг фикримча, уй-жой ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш системаси йўлга қўйилиши, бу уларнинг меҳнати сифатига боғлиқ қилиб қўйилиши керак.

«Компрессор» заводининг слесари
К. К. МУҲИДДИНОВ
нутқидан

Шаҳримизда шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминламаётган, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган, ишга келмай қолиш, кечикиб келиш ҳоллари содир бўлаётган бир қанча корхоналар бор. Биз ҳаммамиз мана шу салбий ҳодисаларга қарши курашмоғимиз, бундай фактларга бепарво қарамаслигимиз керак. Мен меҳнат қилаётган заводда ҳали ҳам социалистик мулкни ўғирлаш ҳоллари учраб турибди. Бир томонда бизда қўриқлаш яхши ташкил этилмаган бўлса, иккинчи томондан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тушунтириш, жиноятнинг олдини олиш ишлари ўтказилмаяпти. Ҳолбуки, мана шундай ишларни яхши йўлга қўйиш туфайли кўпгина жиноятларнинг олдини олиш мумкин.

Тошкент-товар станцияси контейнер майдончасининг мудири
Н. Г. КОВАЛЕВА
нутқидан

Бизнинг станциямиз темир йўлда биринчилар қатори бригада пудратига ўтиб ишлай бошлади. Биз 1986 йилнинг октябридан белоруслар усулига ўтганмиз. Бу усул ҳаммага манфаатли, кўрсаткичлар анча яхшиланди, одамларнинг ўз меҳнатига масъулияти ва иш ҳақи ошди. Бироқ, ҳал этилмаган масалалар ҳам бор. Ташиладиган юкларнинг яхши сақланмаётганлиги бизни ташвишлантиради, бунинг эвазига биз зарар кўраяпмиз. Контейнерларга юк жойлаш қоидаларига риоя этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш сифати бунга кўп жиҳатдан таъсир қилади. Бу соҳада ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, тартиб ўрнатишимиз лозим.

Шу билан бирга биз Тошкент-товар станциясининг бошлиғи В. Я. Баҳолдин билан унинг ўринбосари Р. Х. Раҳмонқуловдан зарур миқдордаги ва тоза вагонлар берилишини талаб қиламиз. Бу масалани ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал қилиш керак, чунки биз янги йилдан бошлаб ўзимизни ўзимиз молиявий таъминлашга ва ўз харажатларимизни ўзимиз қоплашга ўтамиз. Биз «Подъёмник», «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, 1-пойафзал фабрикасининг ҳамда контейнерларни ўз вақтида юкдан бўшатиб бермаётган бошқа корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига мурожаат этиб, улардан контейнерлар ўз вақтида қайтарилишини таъминлашларини сўраймиз.

Тошкент область касаба союзлари Советининг секретари
Д. М. ҒУЛОМОВА
нутқидан

Мен депутатлар дуч келиб турган қийинчиликларга тўхталмоқчиман. Битта қабулимнинг ўзида сайловчилардан 20 та савол тушди, аммо уч ой мобайнида тушган саволларнинг атиги учдан бир қисми ҳал этилди. Айрим хўжалик раҳбарлари депутатларнинг талабларига жуда юзаки қарамоқдалар, уларга дуруст эътибор бермаяптилар. Аҳолидан биз коммунал хизмат идоралари авария ҳолатларини узоқ вақт тугатмай, аризачиларни овора қилаётганликларини тез-тез эшитиб турибмиз.

Депутатларнинг сўровларига мувофиқ аҳолидан тушаётган ҳақли талабларнинг бажарилиши учун уй-жой ва бошқа коммунал хизмат идораларининг раҳбарларидан қаттиқроқ жавоб талаб қилиш пайти келди. Шаҳар Совети ижроия комитети ва унинг идоралари раҳбарлари томонидан депутатлар қабул қилинадиган бир кун белгилаб қўйилса, яхши бўлур эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи
В. Ф. КЛАПУШЕВСКИЙ
нутқидан

Ички ишлар органлари шаҳарнинг йирик корхона ва ташкилотлари билан биргаликда социалистик мулкнинг сақланишини яхшилаш, меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш юзасидан комплекс огоҳлантириш-профилактика тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, меҳнат коллективлари ва жамоатчилик билан алоқа мустаҳкамланмоқда. Бу эса турли-туман жиноятларни олдиндан аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имконини бермоқда. Афсуски, биз ҳали салбий ҳодисаларни тугатиш учун ҳамма резервлардан фойдаланганимиз йўқ. Шу йилнинг 9 ойи ичида идорадан ташқари соқчилик бўлинмалари 2.232 ўғрини ушладилар, улардан 23 минг сўмликдан кўпроқ моддий-товар бойликлари тортиб олинди. Давлат агросаноат комитети, дон маҳсулотлари, Енгил саноат, Маҳаллий саноат министрликларининг объектларида, қурилиш ва транспорт ташкилотларида, савдо корхоналарида майда ўғирликлар тез-тез учраб турибди. Раҳбар ходимлар ва жамоат ташкилотлари меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги Қонун талабларини бажаришга дуруст эътибор бермаётганликлари оқибатида шундай ҳодисалар давом этмоқда.

Чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори
С. К. САИДКАРИМОВ
нутқидан

Ушбу сессияда муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан қилинадиган докладларнинг эълон қилинган тезислари бизнинг меҳнат коллективимизда ҳам муҳокама қилинди, корхонадаги салбий жиҳатлар очиб ташланди. Социалистик мулкнинг талон-тарож қилинишига чек қўйиш учун биз моддий масъул бўлган кишиларни ҳар йили алмаштириб турамиз, раҳбар ходимлар тунги сменаларда навбатчилик қиладилар. Биз ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, халқ контролёрлари билан доимий мустаҳкам алоқада ишлаймиз, бу тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Идоradан ташқари соқчилик органлари ҳам самаралироқ ишласинлар, деган тилакни айтмоқчимиз.

Темир йўл почтамти ҳузуридаги оператор
Т. Н. МЕНАЗОВА
нутқидан

Депутатларга катта ҳуқуқлар берилган, аммо улардан амалда фойдаланиш имконияти ҳалигача топилавермайди. Масалан, мен йўл дистанциясида икки марта сайловчилар қабулини тайинладим, бироқ дистанция маъмурияти билан партия ташкилоти бунда кўмак бермадилар, ўз ходимларини бундан хабардор қилмадилар. Ижтимоий муҳим ишга бундай муносабат замон талабларига зиддир. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли сайловчилар кўпинча район ва шаҳар ижроия комитетларига бормоқдалар, ҳолбуки кўпгина масалаларни депутатнинг ўзи ҳал қилиб бериши мумкин. Баъзан раҳбарларнинг қўполлигидан шикоят қиладилар. Мен 61-болалар боғчасида тарбияланувчи боланинг онаси сифатида боғча мудираси К. П. Ульяновага мурожаат этиб, квитанцияда тўланадиган ҳақ кўпроқ ёзиб қўйилганлигининг сабабини тушунтириб беришни сўрадим. Бунга жавобан, қўпол пўписаларни эшитдим. Депутатлик гувоҳномасини суҳбат руҳи ўзгариб, квитанциядаги рақам камайтириб қўйилди. Хўш, Ульянова бирданига нега ўзгариб қолди, мана шундай кишиларнинг раҳбарлик лавозимини эгаллашга ҳақлари борми? Улар энг оддий муомала маданиятини қачон ўрганиб оладилар? — деган ҳақли саволлар туғилади.

Шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи
Т. М. МИРТОЖИЕВ
нутқидан

Шу йилнинг 9 ойидагина санитария - эпидемиология станцияси гражданлардан 369 та хат, ариза ва шикоят олди, уларнинг 70 процентга яқини санитария ҳолатининг қониқарсиз эканлиги, ахлат ўз вақтида ташиб кетилмаслиги, уй-жой биноларининг ертўлаларига сув тошиб кетганлиги ҳусусида эди. Тушган сигналларнинг ҳаммаси юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Шу билан бирга, башарти шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг ходимлари активликни оширганларида, шаҳар турмуши билан кўпроқ қизиқанларида эди, бундан яхшироқ натижаларга эришиш мумкин эди. Биз ҳаммамиз шу соҳада иш олиб боришимиз, бу ишга айни санитария врачлари, санитария милицияси бошчилик қилиши керак.

Масалан ҳозирги вақтда Сергели ва Акмал Икромов районларининг болалар таъми комбинатлари санитария талабларига мувофиқ эмас, олий ўқув юртлари ва техникумларидаги 37 ошхона мосланмаган бинoларда жойлашган. Бу ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари тартиб ўрнатиш учун тегишли чора-тадбирларни кўришлари керак.

Шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси
Ш. Р. МИРСАИДОВ
депутатларнинг саволларига жавоб қайтаради

Пировардида Ш. Р. Мирсаидов ҳозирги вақтда йигирманчи чақириқ депутатларининг, айниқса ишчи депутатларнинг иши анча активлашганини таъкидлаб ўтди. Халқ сайлаб қўйган кишилар ҳозир шаҳар миқёсидаги масалаларни кўтариб чиқмоқдалар, Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссияларининг, барча депутатларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар киритмоқдалар. Бу эса вазиятни сиёсий ва гражданлик жиҳатидан яхшироқ тушуниш далилидир; бу активлик ишга катта фойда келтириши шубҳасиз. Биз депутатларнинг ёрдами билан мавжуд камчиликларни қисқа муддатларда тугата оламиз, шаҳар экономикасига раҳбарликни ҳамда уни ривожлантиришга оид социал муаммоларни оператив ҳал эта оламиз. Кейинги йилларда аҳолидан ижроия комитетга тушаётган хат, ариза ва шикоятлар камаймоқда. Аммо, бу ҳол бизни асло хотиржамликка солмаслиги керак, чунки ижроком ишининг бу соҳасида ҳали кўпгина камчиликлар бор ва биз уларни тузатишга ҳаракат қилишимиз керак.

Социал адолат принципларига бекамкўст риоя этиш тадбирларига алоҳида эътибор берилиши зарур. Бундай қилиш ҳар бир депутат, ҳар бир ходим учун норма бўлиб қолиши керак.

СССР Олий Совети Президиумининг Қорақалпоғистон АССР ҳусусидаги қарорида кўрсатиб ўтилган социалистик мулкни ўғирлаш, социалистик қонунчиликни бузишга доир фактлар бизнинг шаҳримизда ҳам бор. Биз барча депутатларни мазкур муаммога эътиборни кучайтиришга чақирамиз. Бу муаммони ҳал этиш учун бизда куч ва воситалар етарли, бунинг учун шу масалаларга даҳлдор барча кишилар баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари керак. Депутатлик группаларининг ролини ошириш лозим, улар истиқомат жойидаги, бевосита корхона ва ташкилотлардаги участка милиционерлари билан биргаликда, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашлари керак.

Шаҳар Советининг ижроия комитети сессиясига тайёргарлик кўриш даврида, «Тошкент оқшоми» жамоатчилик редакциясида ва телевидениеда телефон орқали ўтказилган мулоқотлар вақтида камчиликлар ҳақида берилган ҳамма сигналлар юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради. Тошкентнинг барча аҳолиси саволларга тегишли жавоб олади.

Қолган ишга қор ёғар

БАҲОНА БИЛАН УЙ ИСИМАЙДИ

Шаҳримизнинг Ҳамза районида бу манзара йилдан-йилга такрорланади: ёғинсочинли, совуқ кунлар бошланиши билан район аҳолисининг уйлар исимаётганлиги, иссиқ сув таъминотида узилишлар бўлаётганлиги, чакка ўтаётганлиги ҳақидаги шикоятлари турли идораларга ёғилади. Бундан уй-жойлардан фойдаланиш участкалари ва уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трестларининг ходимлари ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишлари лозимдек туюлади. Аммо ҳар йили аҳвол ўзгармайди: улар йўл қўйилган камчиликларга баҳона излаш билан чекланишади.

Хўш, бу йилчи? Бу йил ҳам қишга тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда. Фактларга мурожаат қилайлик. Бу йил район бўйича 2557 квадрат метр битум қопламали, 1322 квадрат метр шиферли ва 747 квадрат метр тунука томлар ремонт қилиниши лозим эди. Текширув шуни кўрсатдики, атиги 553 квадрат метр битумли томлар ремонт қилинган, ана шу мақсадга мўлжалланган 6,5 минг сўм маблағ ўзлаштирилмай қолган.

Ҳамза район уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трести бўйича жорий ремонт ишларини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой бошқармасининг 2-ремонт қурилиш бошқармаси (бошлиғи И. Т. Верешчагин) олиб бормоқда.

Уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трести бошқарувчиси Р. А. Акмаловнинг фикрига қараганда, битум йўқлиги сабабли ремонт ишлари плани бажарилмаётган эмиш. Ваҳоланки, битумни бевосита районнинг ўзида ҳам топса бўларди.

План бўйича бу йил районда 953,5 минг сўмлик капитал ремонт ишлари бажарилиши лозим эди. Етти ойлик план 86 процент адо этилиб, атиги 494,9 минг сўмлик иш бажарилган. План бўйича биринчи ярим йилликда 12 уй капитал ремонтдан чиқарилиши лозим эди. Амалда эса тўрттагина уй ремонтдан чиқарилган. Планнинг барбод бўлишига Ҳамза район 3-ремонт-қурилиш бошқармасида ишнинг тўғри ташкил этилмаганлиги, белгиланган миқдорда ишчилар ажратилмаётганлиги, улар ҳам тўрт-беш соат ишлаб кетиб қолишаётганлигини баҳона қилиб кўрсатишмоқда. Ваҳоланки, ремонт ишларига бир ой кечикиб киришилган. Шуни унутмаслик керакки, санитария-техника ишлари умумқурилиш ишларидан сўнг бажарилади.

Жами Ҳамза район уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трести балансида 555 уй бор. Шулардан 132 таси марказий иситиш тармоғига уланган. Мазкур уйларнинг иситиш тармоқларини профилактик кўрикдан ўтказиш ва мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Бунга сабаб уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш трести билан «Ташкоммунэнерго» бирлашмаси ўртасидаги келишмовчиликлардир. Жумладан, квартал лараро иссиқлик трассалари ремонт ва профилактика ишлари учун ўз вақтида тайёрланмаган, трест бошлиғи эса назоратни бўшаштириб юборган. Жумладан, текширув вақтида Фучик кўчасидаги 1-уйнинг ертўласини сув босиб ётган эди.

Районда қишга тайёргарлик борасида йўл қўйилган камчиликлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Буни трест бошқарувчиси Р. Акмаловнинг ўзи ҳам тан олади. У бажарилган ишлар билан бир қаторда, бу соҳада қабул қилинган қарорлар, нуқсонларни ҳам мисол келтиради. Аммо ҳозир сабаб ва баҳоналар эмас, ваъдалар эмас, амалий иш керак, район хўжалигини совуқ кунларга пухта тайёрлаш лозим. Баҳоналар билан уй исимайди.

В. АБРАМСОН,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитети штатсиз қурилиш бўлими мудирининг ўринбосари.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Харидор талаби—мезон»

Шу йилнинг 27 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида рейд мақоласи берилиб, унда квас ишлаб чиқаришдаги камчиликлар, газ-сув автоматларининг яхши ишламаслиги ва баъзи бир магазин ва кафеларда минерал сувларни сотишда қоидалар бузилаётганлиги танқид қилинган эди.

Редакция Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг озиқ-овқат саноати Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. А. Олимбоевдан қуйидаги жавобни олди.

Унда айтилишича, газетада берилган мақола тўғри деб топилган. Шу йил бошидан бери Тошкентда ҳар бир киши ва бир ойда бир ярим шиша минерал сувни ва 300 граммга яқин квас сотилган.

Қондага биноан ҳар йили биринчи ва тўртинчи кварталларда алкоголсиз ичимликлар тайёрлаб чиқарадиган корхоналар ёзги мавсумга тайёргарлик кўришиб, жиҳозлар ремонтдан чиқарилади. Апрель ойидан бошлаб, ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Савдо шохобчаларининг мавсумга фақат май ойида тайёргарлик кўриши «аньанага» айланиб қолмоқда. Тошкентликларга 900 литрли 200 та автоцистерна етишмайди. Шаҳарда квасининг фақат цистерналарда сотилиши йўлга қўйилган. Жуда кўпчилик магазинларда алкоголсиз ичимликларни сақлаш учун омборхоналар йўқ. Умуман Тошкентда алкоголсиз ичимликларни сотадиган ихтисослаштирилган магазин ташкил этилмаган.

Олий ўқув юртларида, техникум ва бошқа ўқув юртларида, ётоқхоналарда бир қанча буфетлар, ошхона, кафетерий ва кафе, барлар ишлашига қарамасдан бу ерларда фақат «Пепси-кола» сотилмоқда.

Бу билан кўпчилик харидорлар илтимоси қондирилмаётир.

10—11 сентябрь кунлари «Ташкентпиво» бирлашмасининг 3-филиали лимонад яшиклар билан тўлди. Шу куни 6 хилдан 8 хилгача маҳсулотлар тайёрланди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси вакили [С. Х. Аъзамов] яна ассортиментларни камлиги ҳақида гапирди. «Ташпимводторг»да ҳам музлек ичимликларга бўлган талаб меҳнаткашлар томонидан эмас, фақат идора хизматчилари томонидан тайинланмоқда. Бўлмаса 1 сентябрда 66 та цистернада тайёрлаб қўйилган квас, нок, олмадан тайёрланган ичимликлар нега олиб кетилмади! Бундай ҳол бир неча йилдан бери қайтарилмоқда.

Ҳар хил ичимликлар, квас, морсларни йил давомида сотишни таъминлаш вақти келди. Бу ишларни тўла ҳал этилмиш алкоголсиз ичимликларни кўплаб ишлаб чиқаришни таъминлайди ва қўшимча товар оборот планини бажаришга олиб келади.

«Харидор талаби — мезон» мақоласига «Ташпимводторг»дан ҳам жавоб олинди. Унда айтилишича, мақола торгнинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинган. Савдо қоидасини бузганлиги учун Собир Раҳимов савдо базасига қарашли сотувчи З. Қурбонов, Куйбишев савдо базасига қарашли сотувчи С. Усмонов, Чилонзор савдо базасига қарашли сотувчилар Р. Достов, Х. Рабинович, А. Какурмевлар ишдан жиноий жавобгарликка тортиш учун маъмурий органларга берилди.

Торг маъмурияти бирлашма касаба союз комитетига мурожаат қилиб, Ленин савдо базасининг сотувчиси Р. Бадалбоевани ва Киров савдо базаси слесари А. Кандиновни газ сувларга сиропни тўла қуймаганлиги учун, ишончини йўқотган деб топиб, уларни ишдан бўшатишни таклиф этди.

«ХАРИДОРЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ»

Газетанинг шу йил 8 сентябрь сонида босилган мақолага Куйбишев райпищеторгидан қуйидаги жавоб олинди.

Унда айтилишича мақола торгнинг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилган 21/33 магазин мудири вазифасини бажарувчи Е. Салоmахин лавозимидан пасайтирилиб, сотувчиликка ўтказилди. Сотувчи З. Назиркулов харидор ҳақига 33 тийин хиёнат қилганлиги учун, ишончни йўқотган деб топилиб, ишдан бўшатилди.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ВЕНА УЧРАШУВИДА ЯНГИ ТАКЛИФ КИРИТИЛДИ

ВЕНА. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка оид кенгашда қатнашаётган давлатлар вакилларининг бу ердаги учрашувида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашаётган давлатларнинг вакиллари ҳамда савдо, саноат, молия, фан ва техника соҳаларининг етакчи арбоблари иштирокида Прагада иқтисодий анжуман чақириш тўғрисида янада батафсилроқ ва аниқлик киритилган таклиф ўртага қўйилди. Чехословакия, Венгрия, Польша ва ГДР бу таклифнинг муаллифларидир. Совет Иттифоқи, Болгария ва Руминия ҳам бу таклифга қўшилдилар.

Анжуманнинг асосий мақсади — муштарак «Европа уйи»ни бўлган иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга оид маслаҳатлашишдан иборат. Анжуманнинг чақирилиши Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг жорий ишларини ҳам тўлдириши керак. Чунки шу вақт ичида аталган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик проблемалари юзасидан кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда эди.

ЯРАШ ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КОБУЛ. Афғон халқи душманларининг янги ваҳшийларча жинояти — 8 октябрь куни Кобул кўчаларидан бирида портлаш уюштирилганлиги экстремистлар Афғонистондаги миллий яраш жараёнини барбод этишга уринаётганликларини яна ҳаммага кўрсатди, дейилади миллий яраш олий фавқулодда комиссиясининг баёнотида. Каллакесарларнинг жинояти натижасида 27 киши ўлди, 35 киши жароҳатланди, 29 та магазин ва дўконлар вайрон бўлди, битта уй қулаб тушди, Ширпур мачитига зарар етди. Сўнгра баёнотда экстремист унсурлар Америка империализмининг кўрсатмаси билан Афғонистон халқига қарши террор ўтказаётганлиги айтилади. Бироқ, ҳеч қандай ваҳшийликлар афғонларни ўзларн танлаб олган йўлдан — тинчлик йўлидан қайтара олмайди. Ўн минглаб собиқ босмачиларнинг халқ ҳокимияти томонига ўтганлиги, жуда кўп қуролли тўдалар ўт очишни тўхтатиш шартларига риоя қилаётганлиги, минглаб афғон оилаларининг ватанга қайтиб кенганлиги яраш сиёсатининг ҳаётбахшлигидан, афғон халқининг бахт-саодати ва ёруғ келажагига қарши қаратилган барча фитналар сўзсиз ғарбий бўлишидан далолат беради деб таъкидланади ҳужжатда.

БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, АДР хавфсизлик кучлари Кобул вилоятининг Пағман уезди районларидан бирида учиришга тайёрлаб қўйилган ракетани аниқлаб, бостмачилар тайёрлаган жиноятнинг олдини олдилар. Бу ҳақда хавфсизлик органлари уезд деҳқонларни кўмак берадилар.

НИКАРАГУАЛИКЛАР ВАТАНГА ҚАЙТМОҚДАЛАР

МАНАГУА. Никарагуа билан Гондурас ҳукуматлари Гондурас территориясидаги Никарагуа гражданларининг ихтиёрий равишда ватанга қайтишларини таъминлашга оид янги тадбирларни кўриш тўғрисида келишиб олдилар. Республика ташқи ишлар министрлигининг хабар қилишича, шу йил 15 октябрдан бошлаб никкала мамлакат ўртасидаги Леймус чегара пункти Никарагуага қайтиб келувчи кишилар учун очиб қўйилади. Никарагуа, Гондурас вакиллари ва БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича олий комиссарининг Тегусигальпадаги навбатдаги учрашувида ана шу ҳақда қарор қабул қилинди.

ХАРТУМДАГИ ҒАЛАЁНЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

ХАРТУМ. Хартумда ва Суданнинг бошқа шаҳарларида полиция томонидан қамоққа олинган оммавий намойишчиларнинг қатнашчиларидан кўпчилиги маҳаллий суд қарори билан озод қилинди. «Ал-Айём» газетасининг хабар қилишича, уч кун давом этган ғалаёнлар вақтида Хартумнинг турли районларида 393 киши, асосан студентлар ва ўрта мактабларнинг ўқувчилари қамоққа олинган эди. Порт Судан, Адманди ва Шанди шаҳарларида ҳам кўп кишилик намойишлар бўлиб ўтган ва бир неча ўн киши қамоққа олинган эди. Бу намойишларнинг қатнашчилари ҳукуматдан халқаро валюта фонди (ХВФ) билан тузилган битимни бекор қилишни талаб қилдилар. ХВФ тазйиқи билан кундалик зарур баъзи товарлар нархи оширилган, транспорт тарифлари ва мактабда ўқиш ҳақи кўтирилган эди. Намойишчилар билан полиция ўртасидаги тўқнашувлар чоғида 65 киши ярадор бўлди, улардан бири ҳалок бўлди.

Объективда—БХР



Пловдив ёзув машинкалари заводи «Марица» ва «Хеброс» маркали ихчам электр машинкаларн тайёрлаб чиқармоқда. Корхонанинг маҳсулотларн жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Совет Иттифоқида ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: Стончка Тинова ва Петя Шчерева тайёр маҳсулотларнинг ҳужжатларнин расмийлаштиришмоқда.

БТА—ТАСС фотоси.

СУВНИ КИМ ИСИТЯПТИ?

Калейдоскоп

Андхра-Прадеш штатидаги ғорларни тадқиқ этган ҳинд спелеологларининг экспедицияси Ҳиндистон территориясидаги энг узун ғорни топдилар. Унинг узунлиги 2,1 километрга тенг. Ғор уч қаватдан иборат бўлиб, остки қаватини сув босган. Пастки қават улкан ер ости кўли билан тугайди. Бу кўл 30 даражагача иссиқ сув билан тўла. Ер ости суви нима учун иссиқ — бу топишмоқни олимлар ҳали еча олганлари йўқ. Ғорни яқин атрофда жойлашган Белум қишлоғининг номидан келиб чиқиб, Белум-гухала деб атадилар. Белум сўзи маҳаллий тилда «ғор» маъносини англатади. Маҳаллий аҳоли ғорнинг мавжудлигидан эҳтимол азалдан хабардор бўлса керак.

13 МИНГ ЙИЛ МУҚАДДАМ

Аргентинада жойлашган Патагония инсоният яшаган энг дастлабки манзилларидан биридир. Патагонияликларнинг аждодлари ғорларда истиқомат қилишган. Яқинда ана шу ғорлардан бирини археологлар синчиклаб тадқиқ этдилар. Мутахассислар махсус радиологик усул билан ана шу ғорларда 13 минг йил илгари ҳам одамлар яшаганини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

СЎҚИР ЙЎЛ БОШЛОВЧИ ҚАЁҚҚА ЕТАКЛАЯПТИ?

Қрим татарлари орасидаги экстремистлар иғвогарлик қилмоқдалар

Кейинги кунларда қрим татарлари гуж яшайдиган районлар — Темрюк, Новороссийск, Абинск, Анапада экстремист кайфиятдаги шахслар ўз ватандошлари ўртасида оммавий ҳаракат — Тамандан Қримга «марш-поход» ўтказиш учун ташвиқотни авж олдириб юбордилар. Режалаштирилаётган ишнинг иғвогарлик характерини режалар пландаштирилган сананинг ўзи — 7 октябрь — СССР Конституцияси куни танлаб олинганлиги кўрсатиб турибди. Ҳа, айни шу куни қрим татарларининг экстремистлари Тамань станицасида митинг ва намойиш уюштириб, сўнгра эса «Қрим сари пиёда юриш»га отланиш ниятидадирлар.

Газетхон, сиз шундай бир томошани тасаввур қилишга уриниб кўринг: автотрассанинг серқатнов транспорт Қримга (бундан бошқа ҳам йўл йўқ) кутилмаганда одамлар колоннаси суқулиб киради. Улар қанча — юзтами? Икки юзтами? Мингтами? — Бош қотирмай қўяқолайлик. Ҳар ҳолда бу оломон — пишмаган, жисмоний жиҳатдан тайёргарлик кўрмаган оломон (ёшларгина эмас, шу билан бирга хотин-қизлар, қариялар, болалар ҳам йўлга тушмоқчи), яхши бошқариб бўлмайдиган оломондир...

Ўз-ўзидан равшанки, гап автотрассадаги тирбандлик тўғрисида эмас (гарчи шундай тирбандлик фавқулодда вазиятни келтириб чиқарса ҳам). Гап ана шу кишиларнинг ўзларидадир. Улар кимлар? Ҳуқуқсизларми, бошпанасизларми, ишсизларми? Йўқ, уларнинг ҳар бирида — Тамань ёки Кримскда, Геленжик ёки Абинскда уй-жойи, оиласи, иши бор, ҳамма ҳуқуқлари бор, лекин жамият олдидаги гражданлик бурчлари ҳам бор. Октябрнинг шу совуқ кунларида уларни катта йўлга ким ҳайдаб чиқармоқда? Ҳеч ким. Теварак-атрофда турмуш ўз изидан бормоқда — корхоналар қизғин ишламоқда, хўжаликларда ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишга шошилмоқдалар. Дарвоқе, четдан ишчи кучи жалб қилинмоқда, мактабларда дарслар ўтилмоқда. Бу кишилар эса ишини, ўқишини, уйини қолдириб, ўзларини реал турмушдан ва ундаги реал бурчларидан истисно этган каби йўлга тушмоқчи. Қаёққа? Нима учун?

Буни билиб олмоқ учун матбуот неча марталаб ёзган масаланинг моҳиятини яна бир бор қисқача ёритиб ўтишга тўғри келади.

Партия бошлаган қайта қуриш, ижтимоий турмушимизни демократиялаш жараёни, мамлакатда вужудга келтирилган ошкоралик муҳити шундай вазиятга имкон туғдирдики, бунда энг ўткир, миллатли муаммолар яширилмай, балки очиқ-ойдин ва рўй-рост муҳокама қилинмоқда.

Қрим татар гражданларининг бир қисмидан тушган аризаларда кўтарилган масала ҳам шундай муаммолар қатори кун тартибига қўйилди.

Маълумки, шу йилнинг баҳорида қрим татар гражданларининг партия ва совет органларига мурожаат қилиб, Қрим АССРни бекор қилишга тааллуқли қонун актларини қайта кўриб чиқишни, Автоном республикани тикланишини илтимос қилишлари кучайиб кетди. Кўтарилган масалалар бутун комплексини кўриб чиқиш учун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громыко бошчилигида Давлат комиссияси тузилган эди. Давлат комиссиясининг махсус тузилган ишчи группаси жойлардаги вазиятни, қрим татар аҳолисининг кайфиятлари ва истакларини ўрганмоқда. Шу группанинг аъзолари 29 июлдан 5 августгача, шунингдек 6 сентябрдан 11 сентябргача Краснодар ўлкасида бўлдилар. Улар Новороссийск, Кримск, Абинск, Туапсе, Темрюкда ва қрим татарлари гуж яшайдиган бошқа жойларда уларнинг вакиллари билан учрашдилар, ишчилар, колхозчилар, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан, зиёлилар, ёшларнинг вакиллари билан суҳбатлашдилар. Ана шу учрашувлар чоғида билдирилган барча фикр ва таклифлар Давлат комиссиясига топширилди.

Жумладан, ишчи группанинг Москвадаги мажлисларда қрим татарлари ҳам қатнашсин, деган истак билдирилди. Бундай таклиф қабул қилинди. 22 август куни Москвада, СССР Олий Совети Президиумида Давлат комиссияси ишчи группасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга қрим татарларининг вакиллари таклиф этилдилар. Мажлисда Краснодар ўлкасидан новороссийсклик Р. И. Куртиев ва туапселик Р. Д. Жемадинова иштирок этдилар.

Кўриб турибмизки, қрим татарлари кўтарган масалалар юксак давлат даражасида эътибор бериб ва манфаатдорлик билан ўрганилмоқда ҳамда кўриб чиқилмоқда. Илгари расмий ахборотларда айтиб ўтилганидек, конкрет таклифларни ишлаб чиқиш учун комиссияга муайян вақт керак бўлади. Яна шу нарса ҳам таъкидланган эдики, давлат ҳокимияти органларига тазйиқ ўтказиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар ишни мушкуллаштириши мумкин, холос. Шу боисдан мазкур масала теварагида осойишта вазиятни яратиш керак.

Ҳамма нарса ниҳоятда равшандек эди.

Шунга қарамай, қрим татарлари орасида осойишталик билан кутиш ҳолати маъқул бўлмаётган шахслар дарҳол пайдо бўлиб қолди. Биринчи навбатда ўзини кўрсатишга, манманлик қилишга йўл қўйилмаётганлиги учун ҳам мақбул бўлмаяпти. Қрим татарларининг сохта «раҳнамолари» одатда юқори гражданлик ва маънавий фазилатлари билан ажралиб туришмайди. Улар ўз ҳаётида бирон-бир сезиларли муваффақиятга эриша олмай, меҳнат қилишни истамай, айни вақтда жамиятда алоҳида мавқени, ҳамгражданлари орасида алоҳида обрў-эътиборни даъво қилмоқдалар. Ҳозирги воқеалар тўлқинида қрим татар халқининг баъзи вакиллари (аммо улар энг муносиб намояндалар эмас, асло) раҳнамо бўлиб қолишга, «миллий манфаатлар учун курашчилар» шуҳратини орттиришга муваффақ бўлиб қолишди. Бунда улар масаланинг дарҳол, шу заҳотиёқ ҳал этилишини талаб қилиб, ҳеч қандай, ҳатто қуюшқондан чиқадиган методлардан ҳам тап тортмаяптилар. Шунинг учун ҳам уларни экстремистлар, деб аташади.

Шу йилнинг июль ойидаги нохуш воқеалар ҳаммага маълум. Ўшанда Москвага йиғилган қрим татарлари жамоат тартибини ошкора бузишга ўтишган ва Москва Советининг ижроия комитети пойтахтда тартиб ўрнатиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қўшимча ваколатлар бериш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур бўлган эди. Энг актив «арбоблар» Москвадан ҳайдаб юборилди.

Улар уйларига қайтиб борганларидан кейин ҳам тиниб-тинчимадилар. Ўлкамиз шаҳарлари ва станицаларида йиғилишлар уюштириб, ўз юртдошларини «миллий манфаатлар» ҳимояси йўлида фаол ҳаракатларга мажбур этиб, улар орасига ғулув сола бошладилар.

...КПСС Абинск район комитетига 215 та имзо қўйилган хат келди. Хатда июль ойида Москвага жўнаб кетган ва шу мактубда айтилганидек, «заруратга қараб бориб турадиган» «қрим татарларининг мухтор вакиллари» ҳимоя қилинади.

Хат нима тўғрисида экан? «Уларни КПСС сафидан чиқариш ёки уларга нисбатан бошқа репрессия ҳаракатларини, уларнинг ўз миллий юртига қайтиши учун миллий ҳаракатда қатнашишига тўсқинлик қилинишини инсонпарварликка, демократияга зид ҳаракатлар, деб биламиз».

Абинск район «Восход» газетаси «Ҳақиқатга тик боқиб» мақоласида ишларнинг ҳақиқий аҳволини газетхонларга тушунтириб берди.

«Қандай репрессиялар тўғрисида гап боряпти? Келинг, аҳволни биргаликда кўриб чиқайлик, — деб ёзишади авторлар — район прокурори Н. Ляшев билан журналист В. Белий. — Қрим татар коммунистларининг биронтаси ҳам партиядан чиқарилгани йўқ. Баъзилари ишдан бўшатилганлиги тўғри, лекин нима учун бўшатилишган?!

Сўнгра конкрет мисоллар келтирилади. «Партия XXII съезди» колхозининг электр монтери А. Рамазонов август ойида 15 кун прогул қилди. Монтаж звеносининг кенгаши прогуллари учун уни колхоздан чиқаришни правлениедан сўраш тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо правление шу масалани кўриб чиқиб ва Москвага бориб келган А. Рамазоновнинг миллий туйғуларини эътиборга олиб, уни колхоздан чиқармай, балки бошқа бригадада турли ишларни бажаришга юборди. А. Рамазоновнинг ўзи эса правление мажлисига келмади ва ишга бошқа чиққани йўқ. Шундан кейингина масалани иккинчи марта кўриб чиқиш чоғида уни колхоздан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Абинскдан Москвага жами салкам 30 киши жўнаб кетган эди. Уларнинг кўпчилиги меҳнат қонунини бузганлик учун ишдан бўшатилиши керак эди. Ҳар бир алоҳида ҳол эътибор бериб ва очиғини айтсак, инсонпарварлик руҳида кўриб чиқилди. Меҳнат коллективлари кўпгина прогулчиларни ишда қолдиришни мумкин, деб топишди. ОРС сотувчиси З. Венцова, ёнғиндан сақлаш жангчилари А. Османов ва Н. Нетуллаев ҳамда бошқалар шулар жумласидандир. Тўрт киши эса, булардан бири ўзи берган аризасига мувофиқ ишдан бўшатилди.

Яна бир марта шундай саволни берамиз: Хўш, қандай «репрессиялар» ҳақида гап боряпти? Бунда бошқа бир нарса, яъни прогулчиларга нисбатан ниҳоятда кўнгилчанлик билан муносабатда бўлингани тўғрисида гапириш ўринли бўлмасмикан? Бизнинг меҳнат қонунимиз битта ва у ишловчиларнинг миллий мансублигидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига баб-баравар тааллуқлидир. Қрим татар миллатига мансуб шахсларнинг интизомига баҳо бериш учун қандайдир алоҳида, «юмшоқроқ» шарт-шароитларни вужудга келтириш мутлақо асоссиздир.

Лекин КПСС Абинск район комитетига келган хатга қайтайлик. Юқорида айтиб ўтилганидек хат остига 215 киши имзо чекканди. Шу имзоларга ҳатто кўз югуртириб чиқишнинг ўзидаёқ аслида бу хатга анча кам киши имзо чекканлиги равшан бўлиб қолади, чунки олти нафар Мамутовларнинг, олти нафар Асановларнинг, беш нафар Османовларнинг фамилиялари қаршисига бир одам қўл қўйиган ва ҳоказо.

Шундай майда-чуйда нарсалар тўғрисида гапиришнинг ҳожати бормикан? — деб айтишлари мумкин. Айтиш керак, чунки бир ҳовуч кишиларнинг кайфияти бутун қрим татар халқининг кайфияти ва орзу-умиди қилиб тез-тез кўрсатиладиган бўлиб қолди. Ўзингиз баҳо беринг: гўё оммавий равишдаги ғайриқонуний ишдан бўшатишлар ҳақида ваҳимали гаплар халққа етказилмоқда, текшириш чоғида эса ишдан бўшатилганлар бор-йўғи уч киши бўлиб чиқди, улар ҳам қонуний равишда ишдан бўшатилишган экан. Иккинчи томондан, расмий органларга юзлаб имзолар чекилган петиция тақдим этилмоқда, текшириб кўрилганида шу имзоларнинг кўп қисми сохта бўлиб чиқмоқда. «Миллий ҳаракат»нинг оммавийлиги ҳақида ва маъмурлар томонидан адолат йўқлиги тўғрисидаги афсона шундай яратилмоқда.

Олдимизда яна бир «ҳужжат» турибди. Бу «ҳужжат» шу йил 4 август куни ўлка ижроия комитетида қрим татарларининг вакиллари билан учрашувда Давлат комиссияси ишчи группасининг раҳбари А. И. Селезневга топширилган эди. «Қрим татар халқининг баёноти» деб аталмиш «баёнот»дан фақат иккитагина жойини келтирамиз:

«...Қрим ҳозирги аҳолисининг талайгина қисми у ерга ёллаш йўли билан кўчириб келтирилган. Шу муносабат билан у ерга кўчиб борганларнинг ўз юртларига қайтиб кетишларига рухсат бериш реал бўлиб қолди. Ишчи кучининг келишига муҳтож бўлган районларга Қрим территориясидан аҳолини оммавий равишда қайтадан ёллаш ташкил қилинган. Табиийки, бу нарса тегишли тушунтириш ишлари ўтказилишини тақозо этади...».

«...Қрим шаҳарлари ва қишлоқларида қрим татар меҳнаткашларига тегишли бўлган ва кўчириш чоғида олиб қўйилган чамаси 30 мингта уйдан шу кунгача фойдаланилмоқда. Уйларнинг чинакам хўжайинлари ва уларнинг қонуний меросхўрлари айни ўзларига тегишли уй-жойларга бўлган ҳуқуқи тикланиши истагини билдирадиган ҳолларда ҳозир яшаб турган кишиларга қиммати баравар бўлган уйни алмаштириб бериб, масала ижобий ҳал қилинсин».

Программа мана шундай. Кўряпсизларми, ҳаммаси қандай оппа-осон экан? Қримнинг ҳозирги аҳолисини қаерга бўлмасин, узоқроққа кўчириб юбориб, улар учун бошқа ўлкаларда қиммати бир хил бўлган турар-жой майдонини қидириб топиш, уйларни эса тортиб олиш керак эмиш... Хуллас, қирқ йилдан кўпроқ вақтдан буён Қримда яшаб келаётган турли миллатга мансуб кишиларга нисбатан бошқа бир адолатсизлик қилиш ҳисобига қрим татарларига нисбатан «адолатни тиклаш» керак эмиш. Тўғри, қрим татарларининг баъзи раҳнамолари бу «ҳужжат»ни рад этишга ошиқдилар, гўё бу «ҳужжат» ҳеч қаерда муҳокама этилмаган ва ҳеч ким томонидан қабул қилинмаган, деб айтдилар. Шунга қарамай, мана ўша чоп этилган, афтидан, қўлма-қўл ўтиб юрган, расмий шахсга расмий равишда топширилган «ҳужжат»ни кўриб турибмиз.

Улуғ Октябрь юбилейи яқинлашаётган сари экстремистларнинг раҳнамолари шу қадар агрессивроқ бўлиб қолмоқдалар, ўзларининг хунук ишларини шу қадар активроқ авж олдирмоқдалар. Чопарлар район-ма-район изғиб юрибдилар, қрим татарларининг ҳовлилари, квартираларида йиғилишлар уюштириб, ҳаракат қилишга чақирмоқдалар. «Москвага боражак делегатлар» учун яна қрим татар оилаларидан пул тўплана бошлади. Абинскда — Д. Мухтерем, Туапседа — М. Военний, Таманда — А. Ягьяев ва И. Содиқов мана шундай пул тўплаш билан шуғулландилар.

Маҳаллий органлар билан муносабатларда ҳам агрессивлик намоён бўлмоқда. Абинскда қрим татарларининг йиғилишларидан бирига маҳаллий ҳокимият органларининг вакили келди. Уни стол ёнига яқинлаштирмай, бу ердан кетишини талаб қилдилар. «Ҳаракат» раҳнамолари ўз ҳокимиятларига ишонишмаётган экан, у ҳолда қандай ҳокимиятга умид боғламоқдалар?

Ғаламисликнинг изи Ўзбекистонга, қрим татарларининг ҳозирги «бош илҳомчиси» Мустафо Жемилев яшаб турган жойга олиб бормоқда. Унинг тўғрисида газеталар кўп ёзган эди, бу хунук портретга бир муҳим иловани қўшамиз: 43 ёшга борган М. Жемилев етти марта, шу жумладан, ҳарбий хизматга чақирилишдан бўйин товлаганлиги учун, Совет давлати ва ижтимоий тузумига туҳмат қилганлиги ҳамда бошқа жиноятлари учун судланган. 1932 йилда туғилган унинг «сафдоши» Решат Жемилев ҳам худди шундай. Бу кимса икки марта, шу жумладан, давлат мулкини ўғирлаганлиги учун судланган.

Мана шундай кишилар қрим татарларининг «миллий ҳаракати» деб аталган ҳаракатга бошчилик қилмоқдалар! Мана шу кишилар ҳозир юзлаб софдил, виждонли меҳнатчиларга қайси ишни қандай қилиш: қачон талабномалар ёзиш, қачон пул тўплаш, қачон Москвага отланиш кераклигини буюриб турибдилар...

Мустафо Жемилевнинг синглиси, Абинск шаҳрида яшовчи Д. Сейтвелиева қрим татарларининг йиғилишларида ўз акасидан олган «халққа мурожаатномани» ўқиб бермоқда. Бу «ҳужжатда» ярим йўлда тўхтаб қолмаслик, активликни пасайтирмаслик тўғрисидаги ўша даъват баён этилган.

Экстремистлар жойларда давлат комиссиясига ёрдам бериш учун тузилган ташаббускор группаларнинг аъзоларига очиқдан-очиқ дўқ-пўписа қилмоқдалар, уларнинг обрўсини тўкишга уринмоқдалар, уларни «маъмурлар билан тил бириктирди» ва «халқ манфаатларига хиёнат қилди», деб айбламоқдалар. Шу тариқа улар ўлка ташаббускор группасининг раиси Р. И. Куртиевни яккалаб қўйишга уринмоқдалар.

Рефат Исмоилович Куртиев кўп йиллардан буён ўз халқининг тарихини ўрганиш соҳасида жуда актив иш олиб бормоқда, у сўнгги воқеалар чоғида ҳам айни ўз активлиги билан ажралиб турди, шунинг учун ҳам ўлка группасининг раиси этиб сайланди. Москвадаги ишчи группасининг мажлисида қатнашгандан кейин у бўлиб ўтган суҳбатнинг мазмунидан имкони борича кўпроқ ватандошларини хабардор қилишдек қийин ишни ўз зиммасига олди. Бунинг учун у Кримск, Абинск, Геленжик, Темрюкка ва бошқа жойларга сафар қилиб, мажлис ҳақида неча соатлаб суҳбатлар ўтказди.

Хўш, бу ишнинг натижаси нима бўлди? Маҳаллий «раҳнамолар» унинг атрофида ишончсизлик муҳитини вужудга келтирдилар, уни ёлғон ахборот бераяпти, деб айбладилар. Ўзи ҳам автономия тарафдори бўлган, қрим татарларининг мутлақ ҳамма талабларига қўшилаётган Р. И. Куртиевнинг сергак ақл-идроки ўша «раҳнамолар»нинг дидига ёқмаяпти, чунки у экстремистларнинг усулларига қўшилмаяпти, ўз нутқларида осойишталик, сабр-тоқат сақлашга, вазиятни кескинлаштирмай, балки Давлат комиссиясининг ишига ёрдам беришга чақирмоқда.

Коммунист, запасдаги полковник Р. И. Куртиевнинг раҳнамо бўлиши қрим татарларининг муайян қисмига мақбул эмас. Улар ўз йиғилишларида зўр бериб бир-бирларини сайламоқдалар.

Хўш, мана шу сайлаб қўйилган кишиларнинг ўзи ким?

Амет Абдураманов, 1913 йилда туғилган, пенсияда, армиядан қочганлиги учун ҳарбий трибунал томонидан 1945 йилда ҳукм қилинган, кейинроқ совет қонунларини бузганлик учун яна бир бор суд қилинган.

Мурат Военний, 1940 йилда туғилган. Судланган, меҳнат ҳуқуқларини қўпол равишда бузганлиги учун ишдан бўшатилган.

Бироқ кимлигини бизнинг газетамиз тасвирлаб берган Бекир Умеров ўзини ўлкадаги «ҳаракат»нинг бош фигураси, деб ҳисобласа керак. Экстремистларнинг Қримга бизни йўлатмаяптилар, прописка қилмаяптилар, деб рўкач қиладиган тезиси Б. Умеровнинг ўзи ҳатто кутмаган бир пайтда аҳамиятсиз бўлиб қолди. Умеров ўзини «жабрдийда» қилиб кўрсатишни очиқдан-очиқ мўлжаллаб, гўё уни киритишмаётган Қрим областига сафар қилди. Аммо уни она диёрига киритдилар, прописка ҳам қилдилар. Унинг ҳозирги адреси: Симферополь ёнидаги Чистенькое қишлоғи.

Пропискадан ўтдингми, яшаб, ишлайвермайсанми, мамлакат сенга олий маълумот берган-ку! Аммо бундай истиқбол Умеровга мақбул эмас, чунки бундай истиқбол уни ҳаммага ўхшаш оддий кишига айлантириб қўяди... У ҳаммага кўриниб туришни, шуҳрат қозонишни хоҳлайди, яна қанақадир йўлбошчи ролини ўйнашни хоҳлайди. Ярим йилдан бери ҳеч қаерда ишламаётган мана шу 29 яшар йигит орқасига — Кримскдаги ўз уйига қайтади. Бу ерда пропискасиз яшайди, ҳарбий учётдан ўтмайди ва «ҳаракатга актив раҳбарлик» қилади, ўлка ва мамлакат бўйлаб елиб-югуради.

Аҳолидан, шу жумладан, пенсионерлар, ветеранлар, кўп болали оилалардан йиғиб олинган ўша «халқ» пулларидан унга сахийлик билан «командировка ҳақи» бериб турган кўринадилар. Пул эса кўп керак. Ҳар ҳолда Б. Умеров Москвада бўлган вақтида ресторанларда овқатланганлиги, пойтахт бўйлаб фақат таксида кезиб юрганлиги маълум.

Энди Бекир Умеров таниқли жуда машҳур шахс бўлиб қолгандек — унинг номи чет элларда тилга олина бошлади, унга иснод келтирадиган жойи шундаки, ашаддий антисовет доираларида тилга олинмоқда.

«Литературная газета»нинг кейинги сонларидан бирида «Мистер Бирнснинг саргузашти» деган мақола эълон қилинган. Мақола муаллифи СССРдаги АҚШ элчихонасининг биринчи секретари Шон Бирнснинг мутлақо расмий бўлмаган алоқаларини тасвирлаб қуйидагиларни ёзади: «Булар қандай алоқалар эканлиги Москвага келган қрим татарларига мансуб экстремистларнинг кўчалардаги ножўя қилиқларини Америка элчихонасининг баъзи ходимлари гиж-гижлаётганлиги хусусида СССР Ташқи ишлар министрлиги берган баёнотда равшан бўлди. Баёнотда бундай деб уқтирилди: «Айрим американлик дипломатлар миллатчилик кайфиятларини кучайтиришга, Москвага келган айрим қрим татарларини жамиятга қарши ҳаракатлар қилишга ундашга уринмоқдалар... Бу ишда элчихонанинг биринчи секретари Ш. Бирнс, айниқса, активлик кўрсатмоқда, кейинги кунларда у экстремист унсурлар билан бир неча махфий учрашув ўтказди».

Совет телевидениеси экстремистларнинг энг агрессив вакили Б. Умеров билан Бирнснинг учрашувларидан бирини кўрсатиб, уни фош этди. 21 август куни Нью-Йоркда матбуот беҳосдан «бирлашган черков» деб аталмиш диний-сиёсий тариқатнинг Умеровни ҳимоя қилувчи хитобномасини эълон қилди. Бу ташкилотни таниқли антикоммунист Мун тузган.

Нью-Йоркнинг 8-авеньюсидаги осмонўпар иморатда 40 қаватнинг ҳаммасини «бирлашган черков» штаби эгаллайди. Ўша ерда мен америкаликлар Умеровни реклама қилган ва Мун штаби Нью-Йоркда... «Москвадаги намойишни тайёрлаш комитети»ни таъсис этганлиги тўғрисидаги дабдабали эълон босилган кўпдан-кўп варақаларни кўрдим.

Соқчилар менинг илтимосимга биноан ички телефон орқали янги тузилган «комитет» корчалонлари билан гаплашгунларича девордаги эълонда бу комитетга ҳозирнинг ўзидаёқ америкалик антикоммунистлар билан бирга Ле Пеннинг «миллий фронти»даги француз янги фашистлари, АҚШ ва Ғарбий Европадаги афғон босмачиларининг шотирлари, бизнинг Болтиқбўйидан Америкага қочган буржуа сепаратчилари ва ғарбий германиялик реваншчилар қўшилиб олганликларини ўқидим. Ғалати кимсалар тўпланишибди бу ерда!

— Биз ҳеч яшириб-нетиб турмай, антикоммунизмни тарғиб қилаяпмиз, — деди менга «комитет» вакили америкалик Гарет Девис. — Биз сизларнинг совет режимингизга тўғридан-тўғри дағдаға қилаверамиз.

— Қрим татарлари орасига ғулғула солаётган кимсалар қабилидаги авантюрачиларга умид боғлайсизларми?

— Биз қрим татарларини ҳам жон деб жалб қилган бўлур эдик.

— Наҳотки, Москвада чиндан ҳам намойиш ўтказишни режалаштиряпсиз ва уни қачон амалга оширмоқчисиз?

— Ҳозирча аниқ кунини айта олмайман, — деди ишшайиб Девис».

Девис жаноблари Москвада намойиш ўтказиш режаларини тузаётган бир пайтда Бекир Умеров ўзи дағдаға қилишга қарор берди. Хўш, у кимга дағдаға қилаяпти? Ҳокимиятгами, жамиятгами? Зеро, Тамандан Қримга «марш-юриш» уюштириш ғоясини шу кимса ўртага ташлаган-ку, ахир. Унинг юришни уюштиришдаги энг яқин «сафдошлари» — Абдурашит Жеппаров, Исмет Содиқов, Авва Азаматова, Риза Абдуллаев, Реваль Нешаевлардир. Умеров ўзини имкони борича кўпроқ қабиладошларини жалб этишга жазм этган колоннанинг бошида бораётгандек ҳис қилади. (Эҳтимол, сўнгги дақиқада гиж-гижловчининг ўзи «ғамза билан» бир чеккага чиқиб олиб, оломоннинг Керчь бўғози сари мустақил ҳаракат қилаверишига фармон берса ажабланмаймиз).

Бу хусусда нима дейиш мумкин?

«Юриш» ташкилотчиларининг мақсади равшан — уларга жамоатчилик фикрини ўзига торта оладиган дабдабали, яхшиси, можароли бир ғалвадан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Оломон бўлиб кўринишга даъват этилган кишилар бу ҳолатда мазкур мақсадга эришиш воситасигинадир, холос.

«Раҳнамолар» учун қрим татарлари масаласини ҳал этишнинг ўзи эмас, балки уни ҳал этиш учун «кураш» жараёнигина алақачонданоқ муҳим бўлиб қолган, деган таассурот вужудга келмоқда. Шу сабабли улар ўз тактикаси, усулларини тез-тез ўзгартириб, бутун куч-ғайратларини вазиятнинг кескинлигини сақлаб қолишга қаратмоқдалар.

Улар ёздаёқ ўз йиғилишларида, шунингдек, ёзма аризаларида қрим татарларининг социал-маданий талаб-эҳтиёжлари камситилмоқда, деган масалаларни зўр бериб кўтариб чиққан эдилар. Шу йил 4 август куни ўлка ижроия комитетидаги учрашув стенограммасидан бир парчани келтирамиз. Анапалик уруш ветерани А. Х. Керимов бундай деди:

«Биз ўз тилимиз учун, ўз маданиятимиз учун курашаяпмиз... Халқимиз ўз тилидан, ўз музикасидан, ўз адабиётидан, ўз урф-одатларидан, ўз расм-русмларидан маҳрум бўлди. Биз мана шуларни қайта тиклашимиз керак».

Аммо сентябрь ойида, бир қанча жойларда мактабларда татар тилини ўрганиш учун факультативлар очиш тўғрисидаги, район газетасининг шу тилдаги нусхасини нашр этиш, ижодий коллективлар ташкил қилиш ҳақидаги ва шу каби амалий масалалар муҳокама қилина бошлаганда ўша вакилларнинг ўзлари: «Буларнинг ҳеч қайсиси бизга керак эмас», деб айтишди. Асосий масала — автономия тўғрисидаги масала ҳал этилмагунча биз жойларда қрим татар халқининг маданиятини ривожлантиришга қаршимиз, дейишди.

Асосий масалани Давлат комиссияси кўриб чиқмоқда, бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ жойларда кўпгина жузъий масалаларни ҳал этиб ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган камчиликларни тугатиш, аҳолининг социал-маданий талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш мумкин бўлур эди. Хўш, бу ерда, Кубанда ўз уйига, ўз хўжалигига эга бўлган, таъбир жоиз бўлса, ерига томир ёйган ва ҳеч қаерга кетишни хоҳламайдиган кишиларнинг аҳволи нима бўлади? Уларнинг маънавий талаб-эҳтиёжлари қандай қондирилади? Бундай кишилар эса кўпчиликни ташкил этади.

Бундай тактикага фақат битта баҳо бериш мумкин, деб ўйлаймиз. У ҳам бўлса шундан иборатки, ўша кимсалар аввалига бирон-бир масалани ўртага ташлайдилар, уни ижобий ҳал этиш режаси тузила бошлаши биланоқ, ўша кескинлик ҳолатини сақлаб қолиш мақсадида ўша масалани қўйишнинг ўзидан воз кечадилар. Қримга «юриш»дан кузатилган мақсад ҳам шу. Экстремистларнинг «раҳнамолари» ўзларининг кўпдан-кўп иғвогарлик ғояларини ишлатиб бўлгач, шовқин-сурон билан янги тадбирни ўйлаб чиқармоқдалар, кўнгилчан кишиларни жалб этиб, «юриш»ни «миллий ҳаракат» учун беозор ва ҳатто муқаддас иш қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Булар чиндан ҳам беозор ишми?

Йўл бошловчилар қаёққа олиб бора олишларини шу иғвогарликка учган кишилар тушуниб олсалар яхши бўлур эди.

Биринчидан, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларининг йиғилишлар, митинглар, юришлар ва намойишлар ўтказиш тадбири тўғрисида амалда бўлган қарорларини эслатиб ўтиш ўринлидир, бу қарорларни бузиш жамият манфаатларига қарши ҳаракат, деб ҳисобланади ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари бундай ҳаракатларнинг пайини тегишли тарзда қирқадилар.

Оммавий равишда прогул қилишдан иборат бошқа бир ҳаракатнинг оқибатларини тасаввур этиб кўринг. Меҳнат коллективлари ва маъмурият бу сафар ҳам хайрихоҳлик қила беришларига умид боғлаш ярамайди. Аксинча, улар принципиаллик кўрсатадилар.

«Юриш»га қўшилмоқчи бўлган кишилар совуқ куз шароитидаги турмуш уринишларини, шу жумладан, шамоллаш ва юқумли касалликларга чалиниши хавфини равшан тасаввур қилишлари керак.

Ниҳоят, муҳтарам ўртоқлар, сизларнинг йўлдаги хавфсизлигингизни, сизнинг тунашингиз ва тамаддингизни, сизларга медицина ёрдами кўрсатишни ва шу кабиларни ким таъминлаши кераклиги ҳақида ўйлаб кўрдингизми? Эҳтимол, ҳамма иш ва ҳамма кишилар учун масъулиятни Умеров ўз зиммасига олмоқчидир?

«Елиб-югуриш» ташкилотчилари бундай муаммолар ҳақида асло бош қотирмаган бўлсалар керак. Уларни бошқа нарса — дағдаға қилиш мақсади қизиқтирмоқда.

Умеров ва унинг атрофидаги кимсалар кимларнинг миясини айнитаётган бўлсалар, улар иғвогарликка учмай, эс-ҳушларини йиғиб олишлари учун вақт бор.

Қрим татарлари — совет кишиларидир. Улар орасида ўз халқини ҳақиқатан ҳам севадиган, унинг тақдири ҳақида ўйлайдиган кишилар шуни тушуниб олишлари керак: бу халқнинг тақдири ўзини кўп миллатли совет халқига, Совет ҳокимиятига қарама-қарши қўйишдан иборат эмас. Йўқ, унинг тақдири бутун совет халқи билан ягона оила бўлиб яшашдан, Совет ҳокимиятининг қонунларига биноан яшашдан иборатдир.

Океан нариёғидаги қандайдир бегона амаки эмас, балки айни Совет ҳокимияти, партия қрим татарлари хусусида 43 йил муқаддам чиқарилган қарорни адолатли эмас, деб тан олдилар, шу халқ билан алоқадор масала ҳозир ҳам мавжудлигини тан олдилар, шу масалани кўриб чиқишга ва ҳал қилишга киришдилар. У бир неча бор айтилганидек, халқлар дўстлиги анъаналари руҳида, кўп миллатли Совет давлатининг манфаатларини кўзлаб ҳал этилади.

(«Советская Кубань» газетаси, 6 октябрь).

ҲИНДИСТОН ГАЗЛАМАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

10 октябрь куни Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмали зали гўё камалак ранглари билан нурафшон бўлди. Бу ерда СССРда Ҳиндистон фестивали доирасида ташкил этилган «Замонавий газлама ва қабилалар газламалари» кўргазмаси очилди.

Дўст мамлакат рассомлари ва дизайнерларининг ижоди ранг-баранглиги ва мўл-кўлиги билан кўп сонли томошабинлар кўз олдида намоён бўлди. Бу ерда намойиш этилаётган буюмлар гули шаклининг хилма-хиллиги ва композицияларининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Тўрт бурчак, доира, кўп бурчак ва чизиқларнинг уйғун жойлаштирилиши асосида турфа ранг безаклар вужудга келтирилади. Ҳиндистон рассомлари газламага гул танлашда табиатнинг ўзидан кўп нарсани ўрганганлар. «Булут» мавзуси, тўлқинларни эслатувчи чизиқлар, қалъаларнинг жанговар минорасини эслатувчи геометрик чизиқлар, шудринг томчиси, асалари инини эслатувчи тўрлар, балиқ тангаси, қушлар пати тасвирланган гуллар ана шу табиатга тақлид натижаларидир.

Ердан шипгача етадиган катта чойшаблар, камбар, шалола каби сарилар эчки жуни, пахта, ипак, товус пати каби турли материаллардан тайёрланган; уларнинг орасида зарбоф газламалар алоҳида ўрин тутади. Виставкага хонаки газламалар билан бирга фабрикада тайёрланган маҳсулотлар ҳам қўйилган.

Кўргазманинг «Ер ва осмон» деб аталган бўлимида бир-биридан кескин ажралиб турадиган замонавий буюмлар намойиш қилинмоқда. Бу ерда Ҳиндистон шимолий-шарқидаги 16 та қабила усталари тайёрлаган рўзғор буюмлари ва газламалар билан танишиш мумкин. Нага, нокте, апатани, вангчу каби қабилаларнинг ҳар бири буюмларни ўзига хос усулда тайёрлайди. Экспозиция Бирма билан Хитой ўртасидаги улкан территорияда яшовчи одамларнинг маҳорати билан таништиради, ана шу регион учун анъанавий ҳунармандчилик тўғрисида ҳикоя қилади. Бу ерда ҳайкаллар, тўқима буюмлар, маржондан, металлдан, мугуздан, фил суягидан, қамишдан, бамбукдан тайёрланган безаклар, бош кийимлари, меҳнат қуроллари тўпланган.

Кўргазмалар залининг биринчи қаватида модалар намойиш этилмоқда. Республика модалар уйининг энг яхши қизлари энг ёш ва таниқли ҳинд рассомларидан бири Дэйвид Абраҳам костюмлари асосида тайёрланган моделлар коллекциясини намойиш этмоқдалар. Дэйвид Абраҳам Ўзбекистон пойтахтида кўрсатиш учун ўз асарларидан беш юздан кўпроғини тақдим этган. Шу залда ҳар шанба куни «Замонавий кийим-кечаклар паради» ўтказилади.

Кўргазмани очишда Ҳиндистон республикасининг Тошкентдаги бош консули Йогендра Кумар ҳозир бўлди.

Э. ТУХФАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

САЛОМАТЛИК ГРУППАСИ ЁРДАМ БЕРДИ

Ушбу болалар боғчасида кичкинтойлар ўзларини жуда яхши ҳис этишади. Ваҳоланки, илгари улар тез-тез шамоллашар, соғлиқларининг мазаси йўқлигидан боғчага қатнашмас эди. Рига яқинидаги Огра шаҳри йигирув-трикотаж бирлашмасининг раҳбарлари бу ишга ўзига хос ёндошдилар. Саломатлигининг мазаси бўлмаган болалар учун бу ерда махсус соғломлаштириш группалари ташкил этилди. Шунингдек, боғчанинг моддий базаси мустаҳкамланди. Боғчада сузиш ҳавзаси, спорт зали мавжуд. Даволаш физкультураси машқлари бажарилади, массаж қилинади.



СУРАТДА: «Саулите» болалар боғчасининг спорт залида.

ТАСС фотохроникаси.



«РАҚС».

Р. Шарипов фотоэтюди.

Шамоллаш—дард қўзғатади

Куз фасли одатда ёзнинг давоми бўлиб, кунлар илиқ, иссиқ келади. Лекин бу йилги кузнинг салқинлиги, об-ҳавонинг беқарорлиги кишилар ўртасида шамоллаш касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Хўш, шамоллаш қандай юз беради, у бошқа хасталикларнинг қўзғалишига ҳам сабабчи бўладими, «қутлуғ дард» деб оёқда юриб ўтказиладиган бу касалликдан қандай сақланиш керак — ана шулар ҳақида мухбиримиз медицина фанлари кандидати Носир ҚОСИМОВ билан суҳбатлашди.

— Шамоллаш қандай хасталик, организм нима сабабдан шамоллайди?

— Об-ҳавонинг тез, тўсатдан алмашиши натижасида кўпинча шамоллаш касалликлари келиб чиқади. Бундай ҳол кўпинча баҳор ва кузда кузатилади. Чунки бу вақтда организмнинг ташқи атмосферага қарши курашиш кучи унча мослашмаган бўлади. Иссиқ ҳароратдан кейин тўсатдан салқин ҳаво бўлиши натижасида тери томирлари тораяди— томирларда қон айланиши бузилиб, терининг устки қисмида иссиқлик камаяди. Тери қон томири тораяди, организмнинг айрим жойларида ва юқори нафас йўллари томирларида ҳам торайишга олиб келади.

Тери тўқималарида ҳароратнинг пасайиши тўқималарнинг артериал қон томирлари орқали кислород билан таъминлашни пасайтиради. Натижада мушак ва нерв шамоллайди. Баъзи-аъзолар мушаги шамоллаши медицина тили билан айтганда «миозитневрит» деб юритилади. Бундай вақтда маҳаллий жойда қизариш, оғриқ ва шиш каби белгилар бўлади. Улуғ рус олими И. Павлов фикрича, совуқ таъсири оқибатида кўпроқ марказий нерв системаси шамоллаб, сўнг бутун организмга тарқалади. Совет олимлари, нафас органларининг яллиғланиши касалликлари оғиз бўшлиғида ва нафас йўлларида мавжуд бўладиган бактерияларни ўз-ўзига юқтириш натижасида пайдо бўлади, деб ҳисоблайдилар. Бу фикр ҳам тўғри. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ҳам ўзининг «Тиб қонунлари» асарида баҳор ва кузда турли касалликлар рўй беришини уқтириш билан бирга, «Ўпкасида яра бўлган сил касалли бемор учун куз ва баҳор хавфлидир», деб таъкидлаган эди. Чиндан ҳам органзмнинг ҳимоя кучи камайиши натижасида организмдаги эски, сурункали касалликларнинг қайталаши табиийдир.

— Шамоллаш қайси касалликларни ўз ичига олади?

— Шамоллаш деганда кўпчилик фақат бош оғриғи, тумов ва йўтални тушуниб, бу дардга унчалик эътибор бермайди. Натижада дард зўрайиб, ўзидан сўнг оғир асоратлар қолдиради. Шамоллаш касалликлари бир неча хил бўлиб, бунга юқори нафас йўллари қатори (ўткир тумов) фарингит, бронхит, зотилжам ва нафас қисиш (астма) касалликлари киради.

Шамоллаш натижасида энг кўп учрайдиган касалликлар — ўткир тумов. У организм совуқ қотиши натижасида ҳосил бўлиб, бунда оғиз ва лаб қуриши, бурундан иссиқ нафас чиқиши, аксириш, бир оз ҳарорат кўтарилиши мумкин. Бош оғриб бурундан сув оқади. Ўз вақтида даволанмаса, бу касаллик ўткир бронхитга ўтиши мумкин. Ўткир бронхит совуқ ва нам иқлим шароитида кўпаяди. Организмнинг ортиқча совуқ қотиши ва совуқ ҳаводан нафас олиши ўткир бронхитнинг пайдо бўлишига олиб келади. Касалликка чалинган беморда аввал қуруқ йўтал пайдо бўлади, сўнг бир неча кун ўтгач, бемор йўталиш вақтида балғам ҳам ташлайди. Бу эса ўпка яллиғланишидан дарак беради. Касалликка ўз вақтида даво қилинмаса, у сурункали бронхитнинг асосий белгисини намоён эта бошлайди. Шамоллаш ва унинг натижасида келиб чиқадиган сурункали касалликларга баъзан атмосферанинг кескин ўзгариши, баъзан одамларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлади. Мисолларга мурожаат қилайлик. Терапевт врач ҳузурига бир бульдозерчи йигит келди. У бош оғриғидан, қийналиб нафас олаётганидан, дармонсизликдан шикоят қилди. Беморнинг иситмаси бор эди. Аниқланишича, у касал бўлмасдан олдин кечаси чарчаса ҳам дам олмай ишлаган. Кундузи ҳаво иссиқ бўлгани учун устки кийимини ечиб қўйган, кечқурун салқин тушганда иссиқроқ кийиниб олиш ўрнига совуқ сувда чўмилган. Организм ҳароратининг бундай кескин ўзгаришига ўрганмаганидан у ўткир бронхит касаллигига мубтало бўлгани аниқланди.

Мен зотилжам касали билан оғриб, кейин тузалиб кетган бир бемор билан суҳбатлашдим. Маълум бўлишича, у ҳам аввал бир оз шамоллаб қолган. Оз-оздан йўталиб юрган. У бу белгиларга унча эътибор бермаган, оқибатда унинг ўпкасида яллиғланиш рўй берган. Шифокорларнинг ўз вақтида қилган ёрдамлари сабабли оғир дарддан у бутунлай тузалиб кетган.

— Кўп дардларнинг сабабчиси шамоллаш экан, ундан сақланишда нималарга эътибор бериш керак?

— Бунда энг муҳими иссиқ ва совуққа ўрганиш, терлаб туриб совуқ сувга тушмаслик, ҳаво салқин вақтларда жуда юпун кийинмаслик керак. Ўта калта ва тор кийим организм мушакларининг шамоллашига сабаб бўлади.

Дарднинг келиши осон, кетиши қийин, деган нақл бор. Шунинг учун беморлар тез-тез врач назоратида бўлишлари, организмда сурункали касалликлари: бел оғриғи, сил, томоқ оғриғи каби хасталиги бор беморлар профилактик тадбирларни қабул қилишлари керак. Жисмоний чиниқиш, физкультура ва спорт билан шуғулланиш, бадан тарбияни канда қилмаган кишилар шамоллаш касалига чалинмайдилар, бундай ҳол юз берганда ҳам у енгил ва тез ўтади.

Суҳбатни
Т. РАСУЛЕВ
олиб борди.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Темирйўлчилар маданият саройида

14, 15, 16 октябрь
соат 19.30 да
РОК-ПАРАДЛАР
ЎТКАЗИЛАДИ

Концертларда: «Рок тинчлик учун курашда» I-Бутуниттифоқ фестивалининг лауреатлари — «ВИЗИТ» (Москва) рок группаси; «ЗАМОНАВИЙ МУЗИКА ЛАБОРАТОРИЯСИ» (Тошкент); Бутуниттифоқ жаз фестивали-87 лауреати «ДОМАШНЯЯ РАБОТА» рок-группаси (Тошкент); «СТЕКЛО» рок группаси (Тошкент) қатнашади.

Билетлар Темирйўлчилар маданият саройи (Полторацкий кўчаси)да ва «Ёшлар уйи» кассаларида (Пахтакор кўчаси, 5-уй) сотилмоқда.

ДИҚҚАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 5 МИНГ НОМЕРЛИ 98-АТС, 10 МИНГ НОМЕРЛИ 97-АТС, 5 МИНГ НОМЕРЛИ 92-АТСЛАР ИШГА ТУШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

октябрь ойи мобайнида

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ МАЗКУР АТСЛАР УЧУН СТАНЦИЯЛАРАРО ИНШООТЛАРНИ БИР-БИРИГА УЛАШ ЮЗАСИДАН ИШЛАР ОЛИБ БОРАДИ

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юқорида кўрсатилган вақт мобайнида Тошкент шаҳри абонентлари 90-АТС, 91-АТС, 96-АТС, 97-АТС, 98-АТС, 92-АТС йўналишларда телефон алоқалари олиб борганда бир мунча қийинчиликларга дуч келадилар.

Лисунов 1«а» массивида яшовчи абонентларнинг квартира телефонларини 96-АТСдан 97-АТСга кўчириб улаш жараёни 1987 йил декабргача давом этади.

ЛЕНИН РАЙОН ТЕЛЕФОН АЛОҚА УЗЕЛИ.

Тошкент Давлат университетининг
АМАЛИЙ ФИЗИКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
квант электроникаси лабораторияси бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудири (фан доктори ёки кандидати), **катта илмий ходимлар** (2 —фан кандидатлари), **кичик илмий ходим.**

Конкурс муддати —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, кадрлар бўлими.

«Приборлар ва ҳисоблаш техникаси» салони

20 октябрь соат 10.00 да «УВГИ»НИНГ ГРАФИК ҚУРИЛМАСИ, ЭҲМ УЧУН ПЕРИФЕРИЯЛИ ҚУРИЛМА ВА ТАШҚИ ЭСЛАБ ҚОЛИШ ҚУРИЛМАСИ. «ЭҲМ-1700 УЧУН ВИДЕОТЕРМИНАЛ» мавзуида СЕМИНАР ЎТКАЗАДИ

Барча қизиққан мутахассислар семинар ишида қатнашишга ва шунингдек баҳоси 8.300 сўм турадиган МОДЕМ-8010 харид этишга таклиф этиладилар.

Семинар УзГИЙТИ биносида (Қатортол кўчаси, 38-уй) **ўтказилади** (6, 12-троллейбусларнинг «Тошсовет 50 йиллиги» кинотеатри; 4, 11, 9-трамвайларнинг «Спорт товарлари» бекати).

Справкалар учун телефонлар: 78-02-49, 78-40-43, 78-02-38.

СПОРТНИНГ ҚИШКИ ВА ЁЗГИ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА
Олимпия резерв группалари тайёрловчи
Республика ўқув-машқ бирлашмаси

бокс, ритмик гимнастика, фигурали учиш, болалар ва катталар учун умумий жисмоний тайёргарлик
ПУЛЛИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ГРУППАЛАРИГА ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Группалар кишиларнинг ёш категорияларига қараб ташкил этилади.

Группаларга ёзилиш учун саломатлик ҳақидаги справка, касаллик тарихи (сурункали касалликлар билан оғриган бўлса)дан кўчирма, кардиограмма, 2 дона фотосурат тақдим этиш зарур.

Машғулотлар ҳафтада уч марта тажрибали тренер-методистлар томонидан олиб борилади.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА:

ритмик гимнастика бўйича, 15 ёшдан бошлаб — соат 7, 8, 18, 19, 20, 21.00 да;

болалар умумий жисмоний тайёргарлик группаларида — соат 19, 20.00 да;

болалар фигурали учиш группаларида — соат 18, 19.00 да;

болалар бокс группаларида — 15, 17.00 да.

РЕСПУБЛИКА ВЕЛОТРЕКИДА:

Велосипед спорти бўйича умумий жисмоний тайёргарлик группаларида — соат 8 ва 19.00 да;

ТЕННИС САРОЙИДА:

Ритмик ва бадиий гимнастика умумий-жисмоний тайёргарлик группаларида, 15 ёшдан бошлаб — соат 8, 9, 19 ва 20.00 да.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МАШҚ БИРЛАШМАСИДА СПОРТНИНГ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА КЛУБЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН:

«Юбилей» Марказий спорт залида — хоккей ишқибозлари клуби;
Теннис саройида — спортнинг ўйин турлари бўйича клуб.
Ҳамма ҳоҳловчилар қабул қилинади.
Справкалар учун телефонлар:
«Юбилей» Марказий спорт зали —46-07-53, 46-68-77 (администратор);
Республика велотреки — 29-44-64;
Теннис саройи — 62-76-83, 62-76-84.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» БИРЛАШМАСИГА:

токарлар, фрезерчилар, кранларнинг машинистлари, газ билан ишловчи пайвандчилар, қолипловчилар, тунукачилар, тиш йўнувчилар, тишга ишлов берувчи фрезерчилар, инженер-технологлар, конструкторлар, қуювчилар, бухгалтерлар.

КУЙБИШЕВ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

бош энергетик, моддий-техника таъминоти бўлимининг бошлиғи, инженер-технолог, слесарлар, электр монтерлар, техника назорати бўлимининг контролерлари, печатниклар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»
2-ТОШКЕНТ УИСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ
77-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА:

электр пайвандчилар, пўлат ва темир-бетон конструкцияларининг монтажчилари, сувоқчилар, ғишт терувчилар, электр слесарлар.

ЛЕНИН РАЙОН ТАШКИЛОТИГА:

минорали кран машинисти.

ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

тикувчи-мотористкалар, тўқувчилар, калаваловчилар, бўёқчилар, назоратчилар.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ТАШКИЛОТИГА:

электр пайвандчилар.

МАРКАЗИЙ «ШЕЛК» КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА:

сектор мудири, етакчи конструктор, инженер-конструкторлар, етакчи инженер-технолог, II категориядаги инженер-технолог, техника назоратининг катта мастери, техника назорати бўлимининг контролёри, техниклар.

ФРУНЗЕ РАЙОН ИРРИГАЦИЯ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ ТАШКИЛОТИГА:

кўкаламзорлаштириш ва ирригация ишчилари, инженерлар, агрономлар, бухгалтерлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй;
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
Ҳамза район пункти — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй;
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

ҚОРАСУВ (ҚЎЙЛИҚ) БОЗОРИ ТЕРРИТОРИЯСИДА ОЧИЛГАН
Янги 35-заргарлик буюмлари магазини
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БУ МАГАЗИНДАН СИЗ ҚИММАТБАҲО КЎЗЛИ ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.



Иш вақти: соат 9.00 дан 19.00 гача.

Танаффус: соат 13 дан 14.00 гача.

Магазин ҳам олиш куни сиз ишлайди.

5-трамвай, 45, 68, 104, 171, 183-автобуслар билан борилади.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«АРАБЕСКИ» — АТТОРЛАР ВА РАССОМЛАР ЯРАТГАН КИЧИК ШАРҚ МИНИАТЮРАСИ



Шарқ мушк-анбарларининг нозик муаттар ҳиди, жимжимадор араб ёзуви туфайли «АРАБЕСКИ» Ўзбекистондан ўзига хос эсдалик совғаси бўлиши мумкин.

Бу парфюмерия термаси барча ёшдаги аёлларга мўлжалланган.

ТОШКЕНТ УПА-ЭЛИК ФАБРИКАСИ.

УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

Икки ой давомида ўз таъсирини йўқотмайди

«СТОК» — унитазларни тозалайдиган ва гигиенасини бир маромда сақлайдиган восита.

Суюқлик солинган идишнинг қопқоғини тешиб, уни сув тўпланадиган бак ичига жойлаш керак.

Ундан фойдаланишдан аввал инструкция билан танишиб чиқинг.

«СТОК»ни 40-даражадан совуқ ва 40 даражадан иссиқ температурада сақламаслик керак. Яроқлилик муддати — 12 ой.

Баҳоси — 1 сўм 40 тийин.

«СТОК» 1-«Узбитпластик» фирмали магазинида сотилянти.

1-«Узбитпластик» фирмали магазини.



«Булбулча» («Соловушка»)— жарангдор музикали алифбедир

Булбулча яхши сайрайди! Унинг пластмассадан Ульяновскда тайёрланган ўхшаши — электр музикали ўйинчоқ фақатгина «сайрамайди» балки болаларга нотани ўргатади, уларда эшитиш қобилиятини ва ритм туйғусини оширишда ёрдам беради.

Бу содда, жуда чиройли музика асбобида севимли оҳангларни ижро этиш болаларга олам-олам қувонч бағишлайди.



«СОЛОВУШКА» музикали асбобининг овоз пардалари паст октавадаги «Соль»дан иккинчи октавадаги «фа» нотасигача.

Ўйинчоққа чиройли безатилган нота дафтари билан бирга кенг тарқалган болалар ашулаларининг партитураси илова қилинган.

«СОЛОВУШКА» электр музикали ўйинчоғи харид қилсангиз болангизни сеҳрли музика оламида қувончли учрашувлар кутади!

Баҳоси — 15 сўм.

«РЕКЛАМА» марказий агентлиги.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 33-57-52; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-55-52; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий кутубхона — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 33-57-52. «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р—13057.

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим).

Б. 2486. Тираж— 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИ ТА ТЕАТРИДА — 14/I **Севги туморо**, 15/X да Р ло, 16/X да Раймонда.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 14/X да **лар қўзғолони**, 15/X да **дузли тунлар**, 16/X да нисо.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ БЕК ДАВЛАТ МУЗИКА АТРИДА — 14/X да **торлар**, 15/X да **муридлар**. 16/X да **берган кўнгил.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 14/X да **Чернобиль** 15/X да **Отасининг**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИ ДА — **Чехословакиянинг ги» цирки артистларининг мошалари** (16/X да 19.

Кино

14 ОКТЯБРЬДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

«Санъат саройи — СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛ (17.15, 20.30). «САНГАМ» 21.00).

Қозоғистон — «ЧАЛА ҚИҚАТ» (17, 18, 20.00).

Чайка — «ҲАҚИҚАТ, ҲАББАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — ЕРДА, КЎЛДА» (жуфт ларда).

Москва — «МАЪСУМ» 18.30, 21.00).

Ватан — «ПАРОМА» 18.30, 21.00).

Дружба — «ЕМҒИРЛАР СУМИ» (17, 18, 20, 21.00).

Лисунов номли — «Ю ДОШ» (тоқ соатларда).

Нукус — «БОББИ» (17, 2

Тошкент Советнинг йиллиги — «НАВРАНГ» 18.30, 21.00).

Восток — «ШОҲОНА КОР» (16, 18.30, 21.00).

Тинчлик — «ТЕҒМАГАНСАКИ» (17, 21.00); «КАНЕЛИ ХОНИМ ТАРИХИ» (

Искра — «ҚИЗ УЧАЛГА ШОШИЛМОҚДА» (1 20.00).

К. Ерматов номли — «Ш ЕР» (17, 19, 21.00).

15 ОКТЯБРЬДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «Д СУВЛАРИНГ ЛОЙҚАЛ» (11, 14, 17, 15, 20.30). «САНГАМ» (12, 15, 18, 21.00).

Қозоғистон — «ЧАЛА ҚАТ» (11, 12, 14, 15, 17, 20.00).

Чайка—«ҲАҚИҚАТ, БАТ ВА ГЎЗАЛЛИК» (13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — ЕРДА, КЎЛДА» (жуфт ларда).

Москва — «МАЪСУМ» 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ватан — «ПАРОМА» 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Дружба — «ЕМҒИРЛАР СУМИ» (11, 12, 14, 15, 17, 20, 21.00).

Лисунов номли — «Ю ДОШ» (тоқ соатларда).

Нукус — «БОББИ» (11, 17, 20.00).

Тошкент Советнинг йиллиги — «НАВРАНГ» 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ШОҲОНА КОР» (11, 13.30, 16, 21.00).

Искра — «РОБИН ГУДНИНГ УҚЛАРИ» (12, 14.00), «ҚИЗ РАШУВГА ШОШИЛМОҚ (16, 18, 20.00).

К. Ерматов номли — «Ш ЕР» (11, 13, 15, 17, 19,

АВТОМАТ ЖАВОБ БЕРУВ ТЕЛЕФОНЛАР

Санъат саройи 44-21-44, 21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советнинг йиллиги — 77-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 90-52.
Искра — 39-14-59.
Нукус — 46-46-55.
Дружба — 67-96-67.
ВЛКСМ 30 йиллиги — 52.

Шаҳар кинотеатрида кўрсатиш маданиятини тириш юзасидан тақлиистаклар билан Тошкент ҳар ижроия комитети лаштириш бошқармаси 37-11 телефон номери мурожаат қилинсин.

Акмал Икромов Давлат страхованиеси пекциясига тегишли ҳафасаси страхованиеси йича МЖ сериялн 212 ма 909328-909350 йўқолган

КВИТАНЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент политехника титути ректорати, ҳамда касаба союз лотлари Нефть ва газ культетининг декан босари, геология-минералогия фанлари кандидоцент И. Х. Халисматотаси

Халисмат ЖУРАЕВнинг

вафот этганлиги муноти билан чуқур таҳаҳор қилади.